

РАМЗ БОБОЖОН

Юсуф ва Зулайҳо

Драматик достон

**Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ға санъат нашриёти
Тошкент — 2000**

Ўз2
Б79

Масъул муҳаррир: *проф. Карим НОРМАТОВ*

Бобоҷон, Рамз.

Юсуф ва Зулайҳо: Драматик достон. Т.: F.Ғуломномидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000.— 136 б.

Муҳтарам китобхон, миллий қадриятимиз дурдоналаридан бири, жаҳон мумтоз адабиётидан ўзига хос мунносиб ўрин олган машҳур “Юсуф ва Зулайҳо” ривояти атоқли шоир Рамз Бобоҷоннинг ушбу драматик достонида ўзига хос янги мазмун ва янги шакл-шамойил, бадий шукуҳ ва ёрқин замонавий руҳ қасб эттанилигига гувоҳ бўласиз. Зоро, инсон қалбидаги ҳам назокатли, ҳам исёнкор асрӣ туйгулар түгёни — адолат ва адоват, эрк ва зулм, муҳаббат ва разолат янада барадла жаранглайди.

Муаллиф айтганидек:

“Балки, бу нодонга жумбоқ ё эрмак,
Донога имони фаҳм этмоқ керак!”

Ўз2

Б **4702620202 – 64**
M352(04) – 2000 Режага қўшишмча, 2000

ISBN 5-635-01909-9

© Рамз Бобоҷон,
Faғур Ғуломномидаги
Адабиёт ва санъат
нашриёти, 2000 й.

Муаллифдан

Шарқ ҳалқининг узоқ асрлик тарихи, кўп қиррали қадрияти низоятда бой! Үнинг ана шундай миллий меросига мансуб “Юсуф ва Зулайҳо” ривояти кимларни мафтун этмади, кимларни ҳайратга солмади?! Кимлар бу муҳаббат мулкининг гадоси, кимлар подшоси бўлмади? Боз устига, сирли синоат тилдан тилга, элдан элга ўтиб, янги қиёфа ва янги мазмун касб этди, ҳар нашрда бир сайқал топди, қолаверса, нафақат шарқда, гарбда ҳам қалам аҳлини ўзига тортди, китобхон уйига суюкли достон бўлиб кирди. Минг ишлар қаърига қулоқ тутсам, пири комил Фирдавсиининг тирик сатрлари, Абдуллоҳ Ансорий ва Шоҳи Шерозий, Рабгузий ва Дурбек, Жомий ва Хоразмий мисралари янграйди... Ўйлайманки, кези келганда устози мукаррам Мир Алишер Навоийнинг руҳи покига минг бор сигиниб, бир бор табаррук сўзларини тақрорлаш ўзи шарафлидир:

*“Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжса урмоқ!”*

Айни пайт мен ҳам ўзимни эзгулик ва истиклол, бунёдкорлик ва миллат ишига камарбаста билиб, қадим Турон заминида қад кўтармиши келажаги буюк бинога бир ғишт қўйшига журъат этдим. Бинобарин, бу достон эрк ва адодат, вафо ва андиша, ёшлиқ ва муҳаббат ниносидир!

15 май 2000 йил

P. VD



БАФИШЛОВ

Севилмаган, севмаган борми,
Дунё бағри шунчалик торми,
Надоматга, кўз ёшга зорми?
О, муҳаббат, асрий муҳаббат!

Сен анвойи гулсан, чамансан,
Ватансизга ҳатто ватансан!
Қабоҳатга қора кафансан,
О, муҳаббат, сирли муҳаббат!

Ошиққа сен оллосан, олло,
Даҳрийга минг балосан, бало,
Куйган қалбдан нидосан, нидо,
О, муҳаббат, ўтли муҳаббат!





БИРИНЧИ БОБ



I

Баҳор, қаҳқаҳаси Бончиройда,
Фисқу фужурларга бормикан ҳожат?!
Магриб султонига тоби саройда,
Мабодо,
ел юрса, сўрар ижозат...
Соҳиби салтанат,
ҳазрати олий

Бугун
хушнудликни этмиш ихтиёр...
Маъюс чеҳраларда кулгандай толе,
Яна қовоқлардан ёғиларди қор...
Сарой аҳли нотинч ғала - ғовурдан,
Бевақт бегонадир кўзларга уйку.
Қоқ саҳар шивалаб ўтган ёмғирдан
Ям-яшил баргларда нурафшон инжу...
Бошин қуий солған нопармон гуллар
Кундузга боққандай серишва,
серноз,

Хушрой,
тахти равон хиёбон —
йўллар
Ўзига берарди жилва ва пардоз...
Баҳор чечаклардан
кийидиргудай тож,
Зулайҳо устида бўлур парвона...
Таймус шоҳ қалбида бир олам қувонч,
Лекин, сир бермасди такаббурона...

Таймус

Мана,
мен Таймус шоҳ — Магриб султони,
Шуҳратим шоҳ китоб, соҳиби қирон...
Давлатим беҳисоб, қудратим улуғ,

Хазинам олтину нукрага тўлуг,
Оёфим остида ҳулкар поёндоз...
Қани

сиз,

хей, дўстлар, жонимга оро,
Руҳимга орому қалбимга малҳам!
Бутун наинки ер, ҳатто арш - аъло
Мени эзгулик - ла кутлови лозим!

Наҳотки,

сипоҳлар бефарқ,

бепарво,

Донолар гафлатда, нодонлар доно?!

Зулайҳо юрарди гулзор оралаб,
Кизларга чап бериб, бир ўзи ёлғиз...
Ёмон туш кўрдими?!

Безовта ҳаргиз,

Ортидан борарди Мехри

қоралаб...

Зулайҳо

Найлайин! Саргарангман
туйфулар түфёнидан,
Эй худо, асра ўзинг
севгининг ёлғонидан!
Бўлмағур ўйларни қўй,
наврўзи оламга бок,
Начора, хабар топсанг
гулларнинг армонидан.
Кўзларим бўлсин басир,
бадбинликдан, алҳазар!
Юлдуз узолсам, кошки,
муҳаббат осмонидан?
Оташми бу, ё ғашми,
қалбимда оловланган?
Паришонман номаълум
севгининг суронидан...

Мехри

Сизни адаштириб қўйдим, маликам....

Зулайҳо

Найлай!
Кўзларимга қоронғу олам,
Қайдада тақдиримнинг ёруғ юлдузи?

Меҳри

Тангри паноҳида асрасин ўзи...
Маликам,
жонгинам, хуш кўрдим, хушвақт!
Илоҳим,
бахт қуши олиб келсин бахт,
Бадбаҳтилик юзини қилсин тескари!

Зулайҳо

Начора!
Қалбимни кемирар бир ғам...

Меҳри

Бугун тонготардан еллар сарсари,
Чечаклар жилвагар, күшлар сайроқи,
Қадаҳ узатади сизга, маликам,
Үн олти чамандан үн олти рангда
Гуллардан ясалган алвон заррангда
Үн олти навбаҳор...
кутлуг, дугонам,
Үн олти ёшингиз, якка-ягонам!

Зулайҳо

Йўқ,
наздимда баҳор, ҳазонрез куздай,
Осмон шўрҳок босган бепоён сахро,
Юлдузлар юлдузмас, мисоли кўз-ёш...
Ой эса совуқдан тўнғиган бир тош,
Шамоллар телбадай тентиб юради...
Қани у, қалбимга оромбахш офтоб?

Таймус шоҳ шарпаси янгради ногоҳ...

Таймус

Қизим,
бахти бекам!

Зурайҳо

Салом алайкум!...

Таймус

Ваалайкум салом,
ардоқлим,
эркам!

Чеҳрангда ҳамиша кўрайин кулгу,
Тақдирингда қувонч, кўзингда ёғду...
Ўн олти ёшингни қутлайман, қизим!..

Зурайҳо

Ўн олти ёшимда юрагимда ғаш.

Таймус

Ғаш деб ўйлаганинг,
ғаш эмас, оташ!

Зурайҳо

Наҳотки...

Қизлар

Ўн олти ёш гўзалдир, гўзал!
Дилда севги, тилда куй, ғазал...
Боғичирой бағрида байрам,
Гул узатар наврўзи олам.
Маликаи маъриб ўзлари,
Болдан тотли, ширин сўзлари...
Кутлуг бўлсин суюқ ёшингиз,
Омон бўлсин азиз бошингиз!
Таймус саройида наврўзи олам,
Гуллар алвон-алвон, кучоқ ва кучоқ...
Оёқлар остига тўшалган гиласам
Олис-олислардан кутади қўноқ.
Боғ деса, дегулик, элларга машхур!
Эҳтимол, топилмас арши аълода?!

Яшил япроқларда жилоланган нур,
Фақат ярқираши мумкин маъвода.
Сувлар шарқирайди,
 ўйнар фаввора...

Табиат жамоли ўзгача ҳатто!
Бугун тонготардан нотинч,
 овора

Мағриб ҳукмдори — кекса Таймус шоҳ.
Гўзал Зулайҳонинг туғилган куни,
Торлардан тараалар сехрловчи куй...
Ошиқ юракларда севги ёлқини.
Ҳислар силсиласи кўрсатгудай бўй!
Бари соҳибжамол қизнинг шаънига,
Мусиқий оҳанглар,
 баланд мақомлар...

Севинч сифмагудай сарой саҳнига,
Денгиздай тошади кутлов,
 саломлар...

Бу эса белофу бемуболаға,
Жаҳонни ҳайратта солгудай бир кун!
Ўн олти ёшда у,
 тин олар зўрга,
Кўкрак қафасига қамалган тўлқин...
Сир эмас, гўзаллик тиниқ самода
Порлаган юлдуздай учрамас тез-тез!
Ўн олти ёшда у,
 хусни зиёда!

Фақат эртакларда куйланар эс-эс...
Оlam ташвишидан, эҳтимол, холи,
Бир умр яшаган бегам,
 бепарво...

Ҳамиша рўбарў чиққандир толе,
Фақат яхшиликни кўргандай раво...
Нақадар париваш,
 нақадар гўзал!

Ким билсин, ундан ҳам гўзаллар бордир...
Лекин,
 назокатда абадул-азал —
Зулайҳо баҳтига ҳамиша зордир.
Хаёл дарёсида оқмоқда умри,
Айрилиқ, жудолик нелигин билмас!
Булоқдай жўшади қизлик фурури,

Пасту баландликни назарга илмас...
Гарчи номи тансиқ,
яқин-йироқقا,
Мумкинми, бу кўркни кўздан яширмоқ?!
Кимлар кўксин бериб ётар тупроқقا,
Кимдир ўз бўйнига солгудай сиртмоқ!
Йигитлар қалбида уйғотар ҳавас
Таймус шоҳ даргоҳи оҳанрабодай!
Куввати жозиба,
 ҳар тош муқаддас,
Элчилар изғийди акси садодай...
Бири келиб,
 бира кетиб туради...
Аслзодалару аркони давлат —
“Ман-ман” деганлардан совчи юради
Совфа-салом билан тўкишиб савлат...
Таймус такрорларди бир гапни ўқдай:
Аввал бўйи етсин...
 ўзи ҳам ҳали
Ўз қизи меҳрига тўйғанча йўқдай,
Ёши ўн олтидан ошсин ақалли!
Олтин боғнинг қуши,
 у ҳали эрка,
Ҳали тайёр эмас ота уйидан,
Қуёшли қадрдан денгиз бўйидан
Парвоз этмоқ учун бегона юртга...
Мана, ўн олтига ниҳоят тўлди,
Балки, тўлқин ураг юракдаги дард...
Вақт етди —
 ота ҳам,
 қизи ҳам энди —
Қатъий бир қарорга келмоқлари шарт!
Ҳеч ким етолмайди сон-саноғига
Саройдан ноумид кетган совчининг...
Иши юрмагандай овда овчининг
Табассум тепмасди ол ёноғига.
Ҳамон совчиларнинг кети узилмас,
Саройдан аrimас аслзодалар,
Остона супурар кимхоб, банорас —
Либос этаклари,
 шоҳи — шодалар...
Аммо,
арзигудай Азиз шавкати

Молу давлат десанг,
ундан ҳам бисёр...
Карвон тортиб келган күёв иззати —
Бир жуфт ширин сўзга эди интизор.
Казо-казолардан уни фарқ қилиб,
Таймус шоҳ кўнглига тушгандай маъкул,
Совға-саломларин мұқаддас билиб,
Бош устига этди совчисин қабул...
Мағрибдан машрикқа кетган шұхрати,
Ёшлиқ йилларининг шұхлик шукухи...
Айни шу кунларда Азиз қудрати
Дўстларнинг қувончи,
дүшман андуҳи...

Жангү жадалда ҳам,
тинч маҳалда ҳам,
Бекиёс донишманд,
тengsiz саркарда
Ёв она тупроққа қўйдими қадам,
Жангта отланарди тонгдан,
саҳардан...

Ҳар қандай оғир жанг унга енгилдай,
Фанимни парчалаб, ғолиб қайтарди.
Нили муборак ҳам завқи зўр дилдай
Баҳодир шаънига қўшиқ айтарди.
Бахти кулган эди —
мардлик,
донолик,
Бадавлатлик эса ундан зиёда!
Гўзал Зулайҳога лутфан шайдолик
Таймус шоҳга манзур,
нозик ҳимодай...
Бирдан енгил торти —
елкасидан юк,
Оғир бир юк дарҳол қулаган каби.
Суюклар ичидан гўё энг суюк
Бир күёв топгандай жилмаяр лаби...
Шундай қарор билан ўзи-ўзича
Қадам қўйган эди Зулайҳо сари —
Таймус,
ёввош тортиб худди қўзича,
Келди...
жориялар кетишиди нари.

Зулайҳо

Сочларимдан тортқилама, ел,
Кел, ўйнайлик, кел ...

Таймус

Қизгинам,
танишдир, эҳтимол, сенга,
Жўмард Азиз номи,
унинг ўзи ҳам,
Элчи юбормишдир эҳтиром ила,
Ортидан совфаю салом-ла карвон...
Лутф ила сўратмиш сенинг илкингни.
Кўпларни рад этдик, ўзинг биласан,
Балки,
энди келди вақту соати...
Менинг назаримда арзигулик у,
Жангларда шон-шараф қозонган зотдир!
Йигитга безакдир юздаги чаандик,
Тимқора кўзида куч ва эҳтирос
Тундаги машъялдек ёниб туради.
Хуллас, уни сенга тақдир йўлламиш,
Тақдир ўзи, зеро, баҳтингни очгай...
Эркак ардоғида сурур топарсан,
Балолардан сени эттай ҳимоя!
Совфа-саломин кўр, ҳеч бўлмаганда...

Таймус имо қилди,
тетик сиёқи,
Дарвоза очилди —
қоп-қора қуллар
(Фақат ярқиради кўзининг оқи)
Саф тортиб,
таъзим-ла эҳтиром йўллар...
Сехрли,
бекиёс шоҳи, атласлар
Тўлдириб юборди кўшкнинг ичини,
Тўтиқуш сайраган олтин қафаслар
Обод қилди кўхна сарой кечини...
Йўлбарсу арслон терилари ҳам
Тўшалди оёқлар остига ногоҳ,

Кутй-кутичалар кўркам,
серҳашам,
Зеру забарлардан гангир Таймус шоҳ.
Нодир тош нуридан хона чарофон,
Кўқдаги юлдузлар тортади хира!...
Олмос қиррасида күёш хиромон,
Феруза кўзларга осмон асира...

Мана,
бунисида саратон ранги,
Самовий саринлик бошқа бирида.
Унисида лабнинг оташ оҳанги,
Хақиқми,

шафақми нигоҳ қирида?!

Яна бошқасида юлдуз ёниши,
Бошқа бири эса тун каби сокин...
Бошқа бирисида ҳофиз хониши
Сўкарди минг йиллик сукунат чокин.
Ҳарир пардаларнинг нафис юзида
Акс этган қушчалар қанот қоққудай,
Нубиялик қора қуллар кўзида
Нақшлар чақмоқ чақиб,

олов ёққудай...

Яна оқиб келар ипак гиламиар –
Далаю даштларнинг ҳусни жамоли.
Оёқ қўйсанг, ботиб кетар қадамлар,
Баркут мисоли!...

Йўқ!

Булар ҳадянинг ҳаммаси эмас,
Хамир учидан бир патирдай, холос!
Фаройиб бир узук уйғотар ҳавас
Уммоннинг тубидан топғандай фаввос!
Эҳтимол,

бир маъно касб этар бу ҳол,
Кўша қаришликка олтин никоҳдай...
Зулайҳо қошида тақдир тили лол,
Сиру синоатдан воқиф,

огоҳдай.

Азиз никоҳига ўтган йўқ ҳали,
Розилик билдирса, не бўлар, билмас...
Хаёл денгизида магриб гўзали
Фарқ бўлган кемадай жойидан жилмас...
Сарой ҳайрат ичра сақлайди сабр,

Саф ўтиб тугади —
сўнгти қатори...
Таъзим билан кирди
доғули Нофур —
Азиз саройининг кекса сардори.

Таймус

Хўш, қани, қизгинам, не жавоб айтай,
Муҳтарам совчи —
азиз меҳмонга?

Зулайҳо

Отажоним, меҳрибоним,
Сиздадир измим,
Сиз туфайли элга машҳур
Зулайҳо исмим...
Дариф тутсам, ўт олади
музлаган жисмим,
Сизнинг ҳар бир сўроғингиз
менинг баҳтимдир,
Олтин тахтимдир!...
Мен, нотавон, севги сирин
қайдан ҳам билай?
Тақдиримни ҳукмингизга
ҳавола қиласай,
Аммо, қалтис бу юмушда
донолик тилай,
Сизнинг олий фармонингиз
менинг баҳтимдир,
Олтин тахтимдир!...
Начора?!
Ҳаққим йўқ бир сўз айтмоққа,
Сизнинг иродангиз —
мен учун қонун...

Таймус

Ўзимга не гуноҳ орттиргайман,
Хўрлаб узатмасман сени, Зулайҳо!
Таклиф гар туюлса кутилмагандай —

Кундуз серғавғодир,
тун эса сокин...
Тун бўйи ўйлаб кўр!
Майли, эртага
Жавобин берурсан, жигарим,
эркам...

Байрам эҳтироси жўшарди ҳамон,
Базмга жўнади шоҳ билан меҳмон...

II

“Мехри, Мехри!” дея Зулайҳо нотинч...
Жория югуриб-елиб келади —
Малика қошига ўта шошилинч,
Бир боқиша дардин дарҳол билади.

Зулайҳо

Найлай!
Ёнаётган дараҳтман гўё...

Мехри

Маликам,
бу юрак ҳароратидан!

Зулайҳо

Ҳеч қачон бунчалик толиқмагандим...
Мехри

Ҳеч қачон бунчалик сурур бўлмаган,
Бунчалик ўзига сифмаган олам!...

Зулайҳо

Шундай де?
Ҳа, майли, сен айтганча ҳам...
Мени эса, негадир, уйқу элтади,
Толиқиши сезаман борлиғим билан,
Нимадир жазм этар,
ғашимга тегар...

Дарпардани ёпиб, қолдиргил ёлғиз,
Иложи топилса, мизғиб олайин...

Мана, оромгоҳда фира-шира тун,
Шамол шивирлаши, узук бир товуш —
Хаёл тузогида Зулайҳо тутқун,
Ивир-ғазир ухлаб, күрар эди туш...
Наҳотки,

борлиқни қила олмас ҳис,
Наҳот қитиқламас қалбин бир япроқ!
Наҳотки,
бегона кўринар тупроқ!

З у л а й ҳ о

Маъзур тут, она-Ер!

Кечир, юлдузлар —
Лоқайдлик гуноҳи тарк этсин мени!
Эшитиб турибман,
Сезиб турибман,
кеч эмас ҳали! —
Ерга қўнмоқдамиз акс садо бериб...
Шабнам шивирлашин эшитмоқдаман,
Уруғлар унишин пайқаб турибман.
О, гуллар,

япроқлар,
кечириңг мени!
Сизнинг кўркингизман,
юрагингизман,
Ҳаммамиз бир уруғ,
бир оиласиз,
Оиласиз,
сен юпанч эттил армуғон,
Сахий куз сафоси сингари,
дилга!..

Вужудин чулғамиш ажиб бир туйғу,
Оёқ кўйса, тойиб кетарди гўё...
Ақли бовар этмас,

қалбила кўркуни
Ўтган соатларми,
лаҳзаларми ё?

Йўлда адашгудай
у бўлар ҳайрон,
Олис-олисларда чайқалар зиё,
Сарой деворларин суриб ҳар томон —
Кенгликка қулочин отарди дунё...
Кошки,
англай олса —
ё ҳазиллашиб,
Ё газабдан, кимдир, беамру фармон
Пойига поёндоз тўшарди шошиб,
Оромгоҳ шиплари юлдузли осмон...
Шарбат
ер қаъридан қайнарбулоқдай,
Илдизлар атрофга соларди қулоқ,
Оlam кўринарди
сирли жумбоқдай,
Уй энди уй эмас,
белоён ўтлоқ!
Зулайҳо сочилган уруғ мисоли
Она-Ер бағридан кўтарарди бош.
Тилларда достондир ҳусни жамоли,
Наҳотки,
севигига бўлолмас сирдош?

— Тайёрман заррага айланмоққа ҳам!
Энди, мен —
томчиман,
ўтман,
Зулайҳо!
Оташга айланган бутун вужудим!
О, она-Ер... менга севги эт ато!
Оlam
ой шуъласи билан йўғрилган,
Ер юзин қоплаган
жаннат шукуҳи...
Орзу-хаёлларим,
тарк этманг мени!
Бир қиз сизни чорлар тун қучогида...
Мана, бир баҳодир —
Кумуш қанотли,
Гўё оқ отли
кўз-қарофимда

Парвоз этаётир —
Майсалар узра...
Эй, тангрим!
Наҳотки, мана у...
мана...
Ўтлардан йўртади,
сувда бўртади...
Бир дам ўтар-ўтмас,
гиёҳ нафаси —
Одам ҳансираши,
одамнинг саси!...

Нега, қиз жим қолди, чиқмайди пешвоз
Кўнгил берган ўша барно йигитта?
Боиси ҳаёми ё карашма-ноз...
Қадам олға эмас, кетарди кетга...
— Оҳ, жоним!
— Жонгинам!...

— Наҳот, сен?
— Наҳот?...

Фақат

шундай дерди нозик дудоқлар.
— Мана,
мен Зулайҳо!

Қалбим сўроқлар.
Кўз ёшим мавжидан топмишсан бунёд!
Азизим,

кувончим,
севгим,
севгилим,

Фахримсан,
бахтимсан,
ширин жонимсан!

Оппоқ-ойдин рангли совут кийганим.
Зулматли йўлларда чароғбонимсан!
Мана,

мен Зулайҳо!

Кучогингта бос,
Туйгулар жўш урар худди шалола...
Бағрингда жон берсам,
шунинг ўзи бас!
Ўтли муҳаббатим сенга ҳавола!

Шарпа

Севгимни чароғ қилдим,
Хатардан йироқ қилдим,
Ошкор этсам сиримни,
Ўзимни сўроқ қилдим.

Зурайҳо

Сир эмас, энди ошкор,
Найлай, бедорман, бедор...
Йўлингта чиқиб, кутдим
Кечалари интизор.

Шарпа

Баҳор келди, ёз келди,
Ваҳийдан овоз келди,
Багрингни оч, муҳаббат,
Кўзлари чарос келди.

Зурайҳо

Дунё менга бир қафас,
Зўрга оламан нафас,
Юрагимга ўт ёқсан
Севгими бу, ё ҳавас?
Кетма!
Кетма!!!

Кимнидир малика чорларди ногоҳ...
Наҳотки, жория бўлмаса огоҳ?

Мехри

Бемаҳал либосда ётибсиз, нечун?
Ечиниб, дам олинг бемалол...

Зурайҳо

О-оҳ!.. Мехри...
Нечун, ухлабман?

М еҳри

Худо ҳаққи...

З у л а й ҳ о

Ўлмадим, ўлай деб турган чофимда...

М еҳри

Нима?

З у л а й ҳ о

Бахт оғушида ўлаётгандим,
Тушимга кирибди у...

М еҳри

У?

З у л а й ҳ о

Ўша, гўзал йигит, менинг севгилим...

М еҳри

Нима гап, маликам, бу қанақа сир?

З у л а й ҳ о

Тентак! Сен билмайсан? Оҳ, шундай барно!
Кошкийди...

М еҳри

Садқайисар бундай барнолар,
Ухланг, ором олинг, унутинг уни!

З у л а й ҳ о

Эй, кўнгил, қандоқ қиласай,
ғашми ё оташми, бу?

Бемаҳал руҳимга кирган
дардми ё дардкашми, бу?
Ярқ этиб шуълалантган
ёшлигим осмонида
Юлдузми ё шамчироф,
оими ё баркашми, бу?
Илк севгининг сехрими
кўзларимни чалғитган,
Хаёлимни банд этган —
ростми ё адашми, бу?
Билдимми ё билмадим,
кўрдимми ё кўрмадим,
Инсон десам, париваш,
ё оху қарашми, бу?
Нега, уйғондим, нега,
жоним аро жанг борар,
Мұҳаббат деган нарса
тахтми ё талашми, бу?

III

Саҳро баҳорининг оқшоми кўркам,
Юлдузни учириб кеттудай шамол.
Қайга юриб,
қайга қўймагил қадам —
Хар ерда сен билан самовий жамол,
Хаёл оғушида сирли бир туйfy,
Тубсиздай кўринар ложувард осмон.
Балки,
тубсизликка қопқа ўзи у,
Сен эса чўпонмас,
бир дарвозабон.
Юлдузлар юлдузмас,
сурув-сурув қўй,
Яйлов кечасини жондан севасан...
Сону саноғи йўқ!
Яхшиликка жўй!
Эҳтимол, барига ўзинг эгасан.
Эрта тонготардан жазирама кун,
Тандирдай қизийди сувсиз,
ташна чўл.
Ёлғизлик йўлдошинг
қутсиз, нурсиз тун,

Буни ҳис этмоқлик нақадар мушкул!
Нақадар тун қора,
юлдузлар ёрқин,
Истиқбол эшиги яқин-яқиндай...
(Чўпон йигит нафас олару, ҳорғин,
Идрок данагини чақар чақиндай...)
Чўлту даштдан нари —
адрни бўйлаб,
Тоғларга интилсанг, таажжуб эмас!
Майли,
сирли олам ташвишин ўйлаб,
Уни бардош билан енга олсанг, бас!
Кошки,
шунинг ўзи қылса кифоя,
Фақат орзу билан яшаса инсон?!
Кўю кўзилардан бўлак ҳимоя —
Сендан йироқдадир,
эй шўрлик чўпон!
Ўзингни,
ақлингни қийноққа солиб,
Бошингни қашлашга ҳожат йўқ,
демак,
Юлдузлар тўпини мўлжалга олиб,
Кўкларга кўл чўзиш не учун керак?
Сенга насиб этмиш фақат бир юлдуз,
Фақат битта тақдир, биттагина йўл:
Кўю кўзи боқиш кечаю кундуз,
Қора манглайнингта ёзилган шу чўл,
Фақат битта юлдуз...
эҳтимол ўша —
Бошқалардан кўра ёрқин кўринар,
Кунларнинг тош бағрин ёриб ҳамиша,
Ҳаётинг йўлини ёритиб турар!
У,
севги юлдузи бўлса,
эҳтимол?
Унинг такрорланмас излари ўқтам —
Одамлар қалбидан ўтган безавол,
Балки,
шунинг учун азиз,
мукаррам!

Дейдиларки,
севги ардоқлаган дил
Қордай оқ,
гүлдай пок,
офтобдай иссиқ...
Мұҳаббат пойига йиқілгил, ақт!
Адашма,
гавҳари тиниқдир, тиниқ...
Кун узун,
тун қисқа!
Вақт фалсафаси
Хаёт фалсафаси билан чамбарчас.
Богичирой ичра наврұз нафаси —
Кимгадир эркинлик, кимгадир қафас!...
Яна ўша юлдуз, бир юлдуз порлар,
Юлдузлар ичида ўтли,
нурафшон.
Ошиқ юракларни ўзига чорлар,
Дардли юракларга солар ҳаяжон...
Сен ҳақсан,
азизим,
баркамол Юсуф,
Күзичноқ териси — ёпинчоғингдир.
Ухласанг,
ширин туш овунчоғингдир,
Аммо, билолмайсан сенга не насиб?!

Хали бошда бордир не-не савдолар,
Не-не ғавғолар!...
Үз фолингни ўзинг очдинг дафъатан,
Қалб косасидан дард аrimай туриб,
Бахтингни панага олғандай бўлиб,
Бош тортдинг йилларнинг жаримасидан...
Тақдиrintг устидан чиқардинг ҳукм,
Хали билмас эдинг, сени не кутар,
Гүё адоваратта бошладинг ҳужум,
Ким билсин, бу жангда —
ким кимни ютар?!

Шошил!
Ортингга бок,
кузат,
кулоқ сол!
Күю қўзиларинг омонми, омон?

Тақдириңг китобин ўқиганинг рост,
Такрорласанг,
Юсуф, бўлмасди ёмон!
Бир лаҳза хушёр торт,
кўзларингни оч,
Ой эса овчидаи чўл осмонида,
Олтин балиқ тутар кўк уммонида,
Кумуш тўрин ёйиб қулоч ва қулоч...
Мудраган мавжудот гунгдай ҳангуманг...
Ажиб ҳол рўй берди, уйкусида у
Туш кўрди...
Тушми-ўнг? Билмас ўзи ҳам!
Шундай бир лавҳаки, баҳордай туйгу...
Қалбдан олов олиб, парпираған шам —
Назокат...
Латофат...

Ю с у ф

Мен биламан,
бу —

Сенсан,
баҳти қаро
сирли муҳаббат!...

Тириксан,
Тетиксан,
бир кучоқ гулсан...
Чўққилардан оққан кучли шалола...
Танимаган бўлсам,
азизим,
кечир!

Мен —
ташна чўпонман,
мехрингдан ичир!

Ш а р п а

Гул истасанг, гул терай,
Тил учиди бол берай.

Ю с у ф

Болдан шириндир сўзинг,
Паримисан, ким ўзинг?

Шарпа

Гўзаллик шайдосиман,
Муҳаббат гадосиман.

Юсуф

Мен ҳам адоман, адо,
Сендай гадоман, гадо...

Шарпа

Жонгинам, кел яқинроқ,
Сени кўрай ёрқинроқ.

Юсуф

Дардингни ўзим олай,
Бағрингда мангу қолай...

Шарпа

Мангу қолсанг, жон дердим,
Гул эмас, кўнгил бердим.

Юсуф

Зеро,
сен воқифсан ҳамма нарсадан!
Кел,
бағримни исит,
акдимни пешла,
Кўзларимга нур бер,
кўлимга қувват...
Юрагимга кир!...

Шарпа

Адашма, севгилим,
эй, барно йигит,
Кошки, воқиф бўлсам, ҳамма нарсадан!
Мен
кечагина бир дардсиз қиз эдим,

Кун кўрардим отам қарамоғида,
Кулги қучоғида —
 ўзимга сифмай...
Ҳали билмас эдим ҳаёт маъносин,
Кувончнинг сўнгидан кувонч кутардим,
Никоҳ гулчамбарин ўйлаб ўтардим...
Ногоҳ
 севги нақли кўзёшдай ювди
Рухсоримнинг сохта бўёқларини!
Лекин, бехабарман, билганим фақат —
Лабларим ёнмокда, лабингта ташна,
Кўлларим талпинар қўлларинг сари,
Кучоқлар қучоққа қовушса,
 кошки,
Олмос қиррасидай жилоларга бой
Севги саргузашти, хилват сирлари...

Ю с у ф

Сен ҳақлисан...
 аммо, не учун —
Узоқлаб борасан,
 о гўзал хилқат,
Тўхта!.. Тўхта...
 қайдан топарман сени,

Қачон
 ва қандай?
Айттил исмингни?...

Ортидан югурди, афсуски, афсус,
Шарпа йироқлашди, икки орада
Кенглик пайдо бўлди,
 толиқарди кўз —

Тикилсанг...
 ҳа, яна ўша савдо-да!
Аранг илғаб олди сўнгти ундовни,
Акси садони:
“...лайҳо!...”
 “...лайҳо-о!..”

Бебурд
 қофиялар қалашганидай
Қалашиб ётарди узук товушлар...

Юсуп

Мұҳаббатми, бу, найлай?!

Алдаб кетдими, пойлай...

Юрагимни най қилиб,
Йўлига чиқиб, чалай.

Бир кўрдиму, зор қолдим,
Бемаҳал бедор қолдим.

Қайга кетди париваш?

Ноҳушу ночор қолдим.

Тасвирин ёд этарман,
Иzlаридан кетарман,

Кўнгил бердим бир кўриб,
Тополмасам, нетарман?

Юсуф дард чекарди,

тун ўтмас ҳамон,

Оқ-оидин кечанинг чароғбони ой,
Ёнган шамга бир-бир уфургансимон

Фуж-фуж юлдузларда сўнарди чирой...

Ўша соҳибжамол, балки, қошида?...

Балки,

бир кўрару тарқалар хумор...

Тонг

ҳали тун билан кун талашида,

Офтобни кутгандай интиқ,

интизор...

Ой совуқ нур сочар ёқимсиз боқиб,
Малика туарди гўё гиргиттон —

Кулига қош қоқиб,

дилга ўт ёқиб,

Холбуки, ўликдай лоқайд ва бежон...

Начора!

Бир нафас ухламоқ керак!

Уйқуда тушига кириб, эжтимол,

Тасалли топса, ҳеч ажабмас,

юрак!...

Уйкуни кўзлардан ҳайдарди хаёл!...

Кўйлар маърашарди. Ит эса хушёр...

Шаббода эсади ҳорғин, бедармон,

Атрофда сокинлик эди ҳукмрон,

Юсуф мудраб, кетди уйқуга ночор...

Чўчиди...

тўсатдан уйғотди кимдир...
Кўю қўзисидан безовтами ё?
Кўзларини йиритиб очди-ю,
жимдир,
Бўлмағур ваҳима кўнглида пайдо...
Қархисида кўрди икки жуфт оёқ,
Осмонга устундек турар фўдайиб...
Ерда ётган —
қонга бўялган пичоқ,
Гўёки қарапди унга ўқрайиб.
Юсуф дод солгудай бўлди ғазабнок...
Дарҳол ўзин тутди,
таниди барин,
Таниди қўлдаги нақшдор ханжарин,
Лекин, бу ханжардан ким бўлур ҳалок?!
Боқса, оғалари турар қошида
Ва ётар териси шилингган қўзи...
Минг хаёл айланди ёлғиз бошида,
Бўғзидан
бўғилиб чиқмасди сўзи.
Бирдан қонли қўллар ёпишди унга,
Нима гап? Кошкийди, боисин билса!
Ё ғафлат босдими, алданиб тунга?!
Умрида биринчи бундай ҳодиса...

Биринчи оға

Кўрсатиб қўямиз кимлигин,
Бузмасдан саҳронинг жимлигин.

Иккинчи оға

Ана у, бир ўзи қояда,
Ойдиндан нарида, сояди...

Биринчи оға

Пайтидир, қўй-қўзи ухлаган,
Наинки, бир ўзи ухлаган?

Иккинчи оға

Ҳай, қани, тур, сўтак, жавоб бер,
Кўнглингта қулоқ сол, нима дер?

Биринчи оға

Дамингни чиқарма, эркатой!
Сен учун у дунё яхши жой.

Юсуф

Оғалар, менга бу не жазо?
Гуноҳим нимадир, ё олло!
Иккинчи оға

Гул бўлсанг, нур бўлсанг, ўзингта,
Бас, пичоқ қўяман бўғзингта!

Юсуф

Қўл тортинг, оғалар, бу ишдан,
Пушаймон бўласиз қўлмишдан.

Биринчи оға

Тилингни тий, хумпар, ўласан,
Чўлдаги чечакдай сўласан.

Иккинчи оға

Ҳа, шундай, энди йўқ иложинг,
Пичоқнинг тагида гултожинг.

Юсуф

Адашманг, оғалар, адашманг,
Жиноят устида кўп шошманг.

Биринчи оға

Яна тилин тиймай гапиради-я,
Гўёки, ҳеч нарса билмас кишидай...
Падаримизнинг кўзин тиндирган
Шу сенинг барнолигинг,
донолигинг,
Оқибат, шумшайиб қолдик-ку, билсанг,

Йўл ёқасида ётган тошдай
бекадру қиммат...

Отамиз

у ёқса-бу ёқса ўтса ҳам,

Тепкилаб ўтади...

Сен-чи, сен? Ҳамиша кўз қароғида!

Сенга насиб бўлди таҳсин,

эътибор,

Инъому мукофот,

эъзозу икром...

Яна бу етмаганидай,

яна...

Иккинчи оға

Ҳа, яна...

Биринчи оға

Яна сен, падаримизни —

Чалғитиб,

гангитиб,

тойдириб йўлдан,

Бутун бир мероснинг улкан улушин

Ўзингники қилиб олдинг...

Юсуф

Худо ҳаққи,

ҳасад бедаво,

Ҳасаддан сақланинг! Гапнинг очиғи —

Мехру муҳаббатли, инсофли бўлинг!

Қўю қўзи боқинг даштни тўлдириб,

Най чалинг, яйрасин ўтлар, ўтлоқлар,

Кулсин хушвақтликдан гуллар,

япроқлар!...

Биринчи оға

Сен —

иблис,

илоннинг ёғин ялаган...

Ю с у ф

О, оға, оғалар!
Нечун, бу зўрлик?...
Отам пойига бош қўйиб,
сўрайман,
Сизга буюрсин у топган молу мулк,
Менга ҳожати йўқ бир чўпини ҳам!

Б и р и н ч и о ғ а

Яна додгулилик қиляпти-я!...
Биласан,
отамиз феъли авторин,
Сен айтдингми,
тамом-вассалом,
Бебаҳра қилади ҳамма нарсадан!...

Ю с у ф

Ё раббим!..

Б и р и н ч и о ғ а

Ҳа, қани, кийимингни еч,
Сўнг,
дарров, мана бу сўйилган қўзи —
Конига бўяб ол уни!

Ю с у ф

Нима қилмоқчисиз?.. Гуноҳ-ку,
гуноҳ!
Наҳотки,
бир қорин талашиб тушган —
Одам бир-бирининг гўштини еса,
Қорақуртдан
нима фарқи бор унинг?!
Чидаб бўладими бундай даҳшатга?!
Малъунлик эмасми, оға-инини —
Ўлдириш,
қон тўкиш!

Сўнг юволмайсиз,
Юволмайсиз,
ҳайҳот!
Ҳеч вақт,
хеч қачон —
Кўлни ювган каби юрак қонини!!!

Биринчи оға

Сен,
бу гуноҳнинг ташвишин тортма,
Ўзингни ўйлагил, ўзингни!
Само ўзи берсин сенинг жазонгни!
Бизга
фақат қолди оёқ-қўлингни
Маҳкам боғлаб, сувсиз қудуққа ташлаш!
Бошқасин — ташналиқ,
чўл ҳарорати
Ҳал қиласиди ўзи...
ҳа, қани, тез бўл!...
Кейин кўрсатамиз падаримизга
Қонга бўялган бу усту бошингни...
Деймизки, қандайдир ваҳший ҳайвонлар
Саҳрова шўрликни ғажиб ташлабди...
Бирор
сени излаб ўлтирумайди ҳам!..

Юсуф

Жаҳаннам қаъридан чиқдими овоз?!
Ажал ҳансираши —
эшитганларим...
Сиз —
инсон эмассиз,
йиртқичнинг ўзи!...
Йиртқичдан баттарсиз! Мен эса ёшман,
Яшашни истайман!
Англадим энди,
Сизни тутақтирган менинг ёшлигим!!!
Кўркам ёшлигимни кўра олмайсиз,
Қалбингиздан бирор узиб олгандай!
Тақдир косасини тўнтариб, тўккан,

Мен эмасман, ахир,
сизнинг ўзингиз,
Ҳаромдан беҳазар —
макруҳ қўлингиз!
Диёнат борми?!

Иккинчи оға

Эшитдингми,
оға?

Биринчи оға

Сафсата сотса,
Сотаверсин, сен қудуқقا элт!..
Елқага дадил ол, қани...
Диёнат юзига тупурдим,
менга

Мерос керак,
мерос!

Юсуф

Ақлу хушим олдингми,
ё оллою — ё олло,
Кўзимга чўп солдингми,
ё оллою — ё олло!
Оға қўлида ҳалок
бўлса, наҳот, иниси,
Бевакӯт бурғу чалдингми,
ё оллою — ё олло!
Тақдиримда бор экан
шундай шумлик, эй имон,
Faфлат босиб қолдингми,
ё оллою — ё олло!
У дунёни унутиб,
бу дунё сафосидан
Бебурд ўйга толдингми,
ё оллою — ё олло!

IV

Кимдир, балки, ўйлар, бу, эски мавзу,
Кигиз китоблардан қолган бир нақл...

Нетай! Гоҳ идрокдан зўр келар туйғу,
Гоҳ ҳисни жиловлаб қўяди ақл!

Ўша жараёнда,
ўша замонда...

Гарчанд,
китобхонга қиссадан ҳисса —

Куёш кўригандай қиши-қаҳратонда...

Қандай тузоқ қўйма одам зеҳнига,
Фақат илингани бўлади аён,

Ахир,

қалб қуш эмас,

даврон саҳнига —

Эскирган услубда тикласанг ошён?!...

Эски йўлдан ўтган бўлсам ҳам,

аммо,

Чанг-тўзонда қолиб кеттанимча йўқ...

Эски мавзуларда янги муаммо

Ҳал бўлса ажабмас,

зотан кўнгил тўқ!

Аруздан чекиндим, бармоққа ўтдим,

Маснавий кўл келмай қолди...

бепарво —

Қофия кечикса,

кутмай иш тутдим,

Оқ шеър жонимга киргандай оро!..

Ҳазрати Дурбекка илтижоим бор,

Мавлоно Жомийдан сўрайман узр!

Кимни кўрган бўлсам бу йўлда —

зинҳор

Ундан ўтинаман,

тутишин маъзур!

Кўҳна ривоятлар бағрин очса ҳам,

Лекин, унга руҳан кирмоқлик қийин.

Зиддиятлар аро топмасман барҳам,

Ўтмишим барқарор,

тарихим тайин —

Яралгандир ҳаёт силсиласида,

Улоқтириб ташлаш кўзлардан нари —

Шаку шубҳаларнинг зилзиласида

Курбон бергандай гап айни маҳали...

Яна

ўша Юсуф,

Зулайҳо нақли...

Яна ўша оғир, чалкаш йўл, ҳатто,
Эътиroz билдиrsa танқидчи ҳақли,
Ҳамдард бўлолмаса дилдан, мабодо!
Баҳсга ҳожат борми?
Балки, йўқдир, йўқ!
Ҳожат бор деса-чи, кўрмайман иллат.
Давру даврон эса мисолга тўлик,
Тарих кошонаси қаватма-қават...
Тортинманг,

кўз ташланг,
ҳар бир қавати
Замину замондан беради дарак.
Инсон тарихга бош суққан соати —
Баҳс алангасида ёнади юрак...
Яна

ҳамма нарса бошланар бошдан,
Гўё ўтмиш йўқдай,
эзгулик йўқдай...
Тўғридай туюлар қарасанг ташдан,
Тўғри эканига кўнгил ҳам тўқдай.

Яна,
яна ўша эски бир жумбок!
(Тарих қонуни шу,
йўл-йўриғи шу...)

Мол-мулкка,
кўркка ким ҳирс қўймас, бироқ,
Ундан гўзал ёшлиқ, ўқтамлик бор-ку!
Ёшлиқ —
нурдай тиник,
тонгдай оппоқлик,
Шалоладан учган қатрадай олмос!
Ёшлиқни кафтда тут,
умри ардоқли,
Эй, одам,
одимни ўйлаб,
ўлчаб бос!

Наҳотки,
тарангдир яна асаблар!
Наҳот,
тарих ўзи бўлмаса сабоқ,
Олчоқлик қолдирган наслу наслабар

Тун қўйнидан чиқса,
кўлида яроқ!
Наҳотки, тафаккур адашса йўлдан?!
Жаннатни қўйса-ю, кирса дўзахга,
У дунё турса-ю,
бу дунё қўлдан —

Кетса,
ҳожаг борми яна изоҳга!
Йўқ!
Тиним билмайди ҳаёт дарёси,
Эски ўзанлардан
янги йўл топар,
Инсон эҳтироси —
замон нидоси
Буюк бир театр эшигин қоқар —
Саҳналар алмашар,
ўша драма,
Ўша ўйинчию
ва ўша ўйин...

Гарчи,
узмаса ҳам кўзини ҳамма
Бир хил ўйин кўриш,
эҳтимол,
қийин!

Лекин,
режиссёрнинг хушёргигидан,
Ўйидан,
дидидан —
таҳсин,
гулдирос...

Юрагида сўнмас ўт борлигидан
Нигоҳида ёнар идрок, эҳтирос...
Тарих филдираги босар олдинга,
Уни ўз ортига қайтариб бўлмас!
Йўл-йўлга на ўхшар,
оидин оидинга!

Менинг
шеърим йўли —
зулматли йўлмас!...

Демак,
ривоятнинг мазмунига бок,
Ўтмишнинг йўллари чалкаш бўлса ҳам,

Йўлдан адашмаслик йўлчига синоқ,
Манзил-манзилларда ёқиб ўттай шам...
Яна

йўлда йўлчи этади давом,
Тарих фидираги айланар тинмай...
Изларни из босар алмашгандай ном,
Замон тураг гёе маррадан жилмай.
Воқеалар фақат жой алмаштирас,
Ёзиб улгуролмас шоир қалами...

Қани,
кувив кетдик,

йиллар қадами –
Кувган билан етмас, кўз қамаштирас...
Йўл-йўлакай қанча талофат, қурбон,
Аммо, ўлжадан ҳеч дарак йўқ, дарак!
Ўша ўзимизга яқин, қадрдон
Юсуф, Зулайҳони қўмсайди юрак.





ИККИНЧИ БОБ



I

Саройлар ичида ўзга бир сарой,
Бағрини кенг очиб турарди танҳо.
Нақшинкор айвонлар касб этиб чирой,
Мармар камалак-ла ўралгандай боғ...
Яшил хиёбонлар отгандир қулоч,
Кўшкка бахш этгандай ажиб манзара.
Кўёш Нил бошида худди олтин тож,
Дарё соҳиллари —

бепоён дала...

Манзил-манзилларда ўлчашгандай бўй
Барваста хурмозор қулф уриб ётар.
Шаббода найидан тараларди куй,
Оқ-оидин кечалар,

эрта тонготар...

Токларда каҳрабо узум бошлари
Меҳмон қадамига мунтазир гўё.
Оқ булут парчаси соя ташлади,
Соя ташлагандай идрокка рўё...
Азиз саройида сукунат ҳоким,
Холис,

ҳашаматли хоналар жимжит...

Ҳамма нарса қотиб қолгандай сокин,
Ва қотиб қолгандай бутун бир муҳит!...
Ёзниг жазираси, айни бир чошгоҳ
Хумдаги асалдай эрир эди, нам...
Мавжудот мудрарди, лек Азиз огоҳ
Оқ саройда шахмат сурарди шаҳдам,
Ва зимдан кузатиб турарди

Нофур —

Филни қандай олиб бораётганин...

Азиз

Йўлингдан адашдинг чоғи,
мўйсафид!
Нофур

Не қилай, ҳимоя мустаҳкам эмас,
Сиз эса, жанобим, хавф солмоқдасиз...

Азиз

Ҳа, давом эттиргум...
Филни оламан!

Нофур

О-о, жанобим, қайта юриш
мумкинми?

Азиз

Кечикдинг, мўйсафид!

Нофур

Илож йўқ, таслим...

Азиз

Вақтида тан олиш мағлубиятни —
Бу ҳам шарафлидир.

Маъзур тут мени,
Қайтадан юришга ўрганимаганман,
Шахмат ҳам,
билинга,
ҳаётнинг ўзи!

Жангда

хавф остига кўйиб тақдирин,
Ё юриш режасин нотўғри тузиб,
Душманга йўл берсанг, борми, ортингдан,
Ёки бу ҳолдан ҳам яна баттарроқ
Сарой аъёнларин айёриклилари...

Қайта юраман деб хомтама бўлма,
Ўз хатонгни тузат ўзга йўл билан
Ёки тан олавер мағлубиятни!...
Хатога йўл қўйсанг,
шундай бўлади!...

Ачинмайман умрим ўтганига ҳеч,
Жангу жадаллардан,
қирғинбаротдан,
Ўчирса — ўчмас бир чандик ортиридим,
У юзимга мангу муҳрлангандай,
Лекин, бу ишимдан қилмайман афсус!
Юрдимми, қайтмайман!

Қайтмайман асло!

Бир юришида
қанча мулк ва шон-шуҳрат,
Фиръавн иззатин,
мехрин қозондим...

Фақат бир нарсани бой бердим, холос,
Севгини...
у нотинч чўнг ҳаётимда
Нурли камалакдай ёниқ қоларди...
Ҳайдот! Қайнаб ётган уруш қозони —
Оловида
ногоҳ куйиб кетдими?!

Лекин,
мен баҳтлиман,
энди баҳтлиман,
Вақтида англадим ўз хатоимни,
Қачон тузатаман уни,
билимайман!

Сенга тўғрисини айтсам,
мўйсафид!

Ўша
Зулайҳонинг матога тепчиқ
Сирли суратини бир бор кўрдиму,
Багримни ўқ тешиб ўтгандай бўлди!...
Билдимки
Зулайҳо жуда ҳам гўзал...
Розилигин олдим,
шундан баҳтлиман...
Баҳтлиман кемалар карвонин кутиб...
Ўша
сўнгсиз карвон-карвон кемалар

Уни олиб келар менинг қошимга.
Илоҳий интиқлик онларини ҳам
Чўзилиши ҳаққи баҳтлиман,
баҳтли!

Мен
қаттиқ кунларга қайфудош
одам,
Бахтиёрман, Нофур!

Нофур

Кўриб турибман!
Бахтиёрман мен ҳам... аммо,
кечиринг,
Чорламоқда чоғи мени аллаким,
Билмадим, ким келди?

АЗИЗ

Ким?

Нофур

Қараб келай!..

Нофур узоқлашди. Ёлғиз қолди у,
Нигоҳида
ноёб чархланган туйғу...

АЗИЗ

Майли, ёшинг ўтса ҳам
бошинг омон бўлса, бас,
Қош қорайса, қошингда
қоши камон бўлса, бас!
Қалбинг ўзи бир китоб,
ўқилганми ё йўқми,
Ўқилганда муҳаббат,
ҳатто армон бўлса, бас!
Кексаликни хўрлар ким,
соқит қилиб умрингдан,
Хўрлаганларнинг ўзи

чангу тўзон бўлса, бас!
Ҳар кун эмас, ҳар нафас
 ғанимат десам, кулма,
Лекин, умринг қолгани
 бепушаймон бўлса, бас!
Ишқингни намойиш эт,
 дилдаги ҳароратдан
Юзи куйиб, аламнинг
 номи бўхтон бўлса, бас!
Не қилсанг қил, эй кўнгил,
 номардга қилма муҳтож,
Жондан жудо бўлсанг ҳам,
 жиндай имон бўлса бас!

Зимдан назар солсанг, ўтгандай ёши,
Оқ булат бўлаги —
 оқарган боши...
Манглайида ғаддор йилларинг изи,
Йиллар эса ортда қолмиш ордона,
Ҳали яшил чинор,
 кучли илдизи,
Ҳоргинлик,
 кексалик унга бегона...
Сарбаланд, келишган қадду қомати,
Ўз сўзли,
 ўзига-ўзи хўжайин...
Фойибдан келгандай баҳту омади —
Улокқа кирганда совруни тайин...
Нечун,
 тонготардан асаблар таранг?
Ҳолбуки, тураг тўй остонасида.
Лекин, кун ўтарди имиллаб, аранг...

Азиз ўз кўйида,
 ўз хонасида,
Нофур айёrona, қўл қовуштириб
Таъзим-ла киради жилмайиб, хушҳол...

Нофур

Туя карвоnlарин нақ қалаштириб,
Хорижий савдогар олиб келмиш мол...

Азиз

Кирсин!

Малик

Салом алайкум,
Жаноби олийлари...
Азиз кўз ташлади дарвоза томон,
Чекраси очилди,
думоги ҳам чоғ...
Оқсаной олдида туради карвон,
Тўйга тўёнадай буюм тоғу тоғ...
Малла соқол мәҳмон —
сўзамол Малик
Ипакдек эшилар Азиз қошида,
Салобат босарми, қарай олмас тик,
Шундай ўзин тутди аввал-бошида,
Сўнг бирдан ёзилди...

Малик

Рухсат этсангиз,
Майли, айлантирай савдо чархини.
Қадру қимматига молнинг етсангиз,
Кўкка кўтармайман унча нархини.

Азиз

Ҳа, қани кўрсат-чи, гапни кўп чўзмай!...
Нофур

Баракалло! Балли!

Малик

Олтин узук,
мана, кўзни олади.
Жавоҳир ёнади жаннат тошидай!
(Бири ёқса,
бири ёқмай қолади
Рұҳига номонанд кекса ёшидай...)

Мана,
ой нуридан тўқилгансимон
Зарбобу кимхоблар,
атлас-шоҳилар...
Ҳақиқдай бир палак —
юлдузли осмон,
Ипак чойшабларда ўйнар охулар.
Дарвоҳе,
соққалар фил суюгидан,
Жондан бўлак ҳамма,
ҳамма нарса бор.
Ойна пардаларнинг ол жиягидан,
Маликамиз уйи кулса, эҳтимол...

Малик бирин қўйиб,
бирини олди,
Мақтовдан лаблари тегмас лабига.
Азиз назар солди,
ҳангуманг қолди,
Лекин, тўғри келмас эди таъбига...

А з и з

Ҳаммаси ўлик мол,
юракдан нари,
Мен уларни илк бор кўришим эмас.
Бундай буюмларнинг бари,
аксари,
Авлоддан-авлодга ўтган дастма-даст...
Малик бўш келмасди, харидга йўллар,
Ҳатто, зебигардон,
тиллақошгача...
Ёйиб,
кўз-кўз қилиб кўрсатар куллар...
Улар учта эди,
бири бошқача...
Иккиси эзилган,
ҳоргин ва пачоқ...
Бириси барваста,
фусункор, дуркун,
Миср саҳросидай ҳаётга чанқоқ,
Тундай кўзларидан саҷаради учқун...
Демак,
бўй-бўш эмас бу кўҳна дунё!

Нақадар бебаҳо гўзалликка бой.
Гўзалик бир шўнғиб одамлар аро,
Танлабди қулбачча юрагидан жой.
Азиз хаёлидан ўтказди бехос
Тонготар олдида учган юлдузни,
Қайдан бунчалик файз,
бунча эҳтирос?!
Ўша кун кутарди Зулайҳо қизни?..

Азиз

Менга ҳара, меҳмон,
эй хурматли зот,
Менга бер, мана бу олтин занжирни,
Кимхобга ўранган бу тошларни ҳам...
Кўшиб берасанми унга қулингни?

Малик

Кул?..

Азиз

Менга ёқиб қолди
мана буниси!..

Малик

О, жаноб!
Мана бу икковини ол,
Уларни арzonга сотиб олганман,
Текинга бераман.
Бу қулни эса,
Сотиб олганим йўқ,
топиб олганман,
Менга йўллагандир тақдирнинг ўзи –
Чалажон ҳолатда чўлда ётарди,
Ердан кўтардиму босдим бағримга,
Вояга етказдим,
оқ ювиб-тараб,
Ўғил бўлиб қолди, энди, мен учун!
Ким сотар худонинг марҳаматини?

Азиз

Мен рози...

худога ёқар ишни қил,
Совға эттил менга ўша қулингни,
Мен ҳам бу ўринда қарздор қолмайман,
Савдолашиб турма,
қани, тезроқ бўл!
Тушундингми?

Малик

Ҳа-да...

тушундим... жаноб...

Азиз

Мана бу бошқа гап!
Ҳисоб-китоб қил,
Нофур,
қани тез бўл, хасислик қилма!
Сен,
эй ўқтам йигит, бу ёқقا келгин!
Оting нима?

Юсуф

Юсуф...

Янгради шовқин.
Нилдаги кемалар кўзғалди ногоҳ!
Кемалар сафига солғандай тўлқин
Бир кема еларди,
юргт ундан огоҳ...
Faфлат босиб ётган поёни йўқ боғ
Кема йўлларига гуллар сочгудай!
Ҳатто, бутазорлар силкитиб япроқ
Иложин топса гар бағрин очгудай...
Мудраган борлиққа жон кирди худди,
Дараҳтлар бўй чўзиб, дарёға боқар.
Дарё кувончининг йўқдай ҳудуди,
Азиз саройининг қопқасин қоқар...

Чағалоқ учарди яшил қирғоқда,
Елканни
мергандай мүлжалга олиб.
Кўшиқлар янграрди йироқ-йироқда,
Ошиқ юракларга ҳаяжон солиб:

- Елкан елар, ел елар,
елкан ичра ким келар?
- Маликаи Мағриб,
Маликаи Мағриб...
- Нил чайқалар, Нил ўйнар,
Нил кўйнида ким куйлар?
- Маликаи Мағриб,
Маликаи Мағриб...
- Кўкда ойми ё юлдуз,
Тунни ким қилди кундуз?
- Маликаи Мағриб,
Маликаи Мағриб...
- Дилларга ким ўт ёқди,
Севги эшигин қоқди?
- Маликаи Мағриб,
Маликаи Мағриб...

Уфор алангаси ўт олиб дилдан,
Атрофга таралди муаттар бир ис.
Шаббода сеҳридан опа-сингилдай
Ачомлашар хурмо,
атир гул,
ялпиз...

Еллар ошиқади,
эллар шошади
Елканлар ортидан қувиган каби.
Кема орзиқади,
манзил ошади,
Қайдা кўз тутгани,
қайдা матлаби?!

Мана,
у қирғоққа урилиб бирдан
Тўхтади...
тўхтади қайиқчалар ҳам...
Ҳамма тикиларди у ер-бу ердан,
Азиз кутиб чиқди, ўзи пешқадам...

Унинг кўз олдида серҳашам кема,
Қаёқقا қарама олтину кумуш,
Нақшинкор, ўймакор ёюч жимжима...
Начора!

Англолмас —
ўнгими ё туш?
Азиз

Эй, Мұхаббат, ким қасоскор,
Сенмисан ё менми, айт?
Занжирбандман, ким халоскор,
Сенмисан ё менми, айт?
Ой десам ой, кун десам кун,
Ярқ этди соҳибжамол,
Гўзалликка ким харидор,
Сенмисан ё менми, айт?
Бунчалик ҳеч топмаганман
Кексалик шукуҳини,
Бахтимни ким қилди бисёр,
Сенмисан ё менми, айт?
Шону шуҳрат довдиратди,
Ўтди умрим жанг аро,
Дардимни ким этди ошкор,
Сенмисан ё менми, айт?
Бағрингни оч, эй муҳаббат,
Совуқ қалбимни илит,
Ким самимий, кимдир маккор,
Сенмисан ё менми, айт?
Йўлларингта гуллар сочсам,
Ошиқ кўнгил боғидан,
Ким хўрсиниб, йиглар зор-зор,
Сенмисан ё менми, айт?

Зулайҳо кўринди —
оловли кўзлар
Куёш ўлкасига буюрди ташриф;
Худди
ой гирдида фуж-фуж юлдузлар,
Кошкийди,
ҳар бирин қилолсанг таъриф!
Бир лаҳза сукунат сақлади борлик,
Соҳилга шавкатли Азизнинг ўзи —

Келди-ю,
атрофни тутди ҳайқириқ...
Нурга чайилгандай кўринди юзи,
Абжир қўли билан қиз қўлин олди,
Зулайҳо
хис қилди, уни эрмакдай...
Фурур билан сарой сари йўл солди,
Сарой қалтиарди эски
безгакдай.
Дарвоза ёнида тураиди Малик —
Хурматли савдогар мол-мулки билан...
Ким-кимдан, билмадим, олгудай алик,
Юзларда андиша,
минг кулки билан...
Юсуф ҳам шу ерда,
таажжуб бир ҳол!
Эҳтирос ўт олиб қизнинг қонида,
Кўзида акс этди шак-шубҳа, савол...
Одимлар сустлашди,
тиқилди нафас,
Шу йигит эмасми
туща кўргани!
Ногаён очилиб сирли бир қафас,
Бошига қуш бўлиб
учиб қўнгани...
Лекин,
ҳайронлиқдан,
кул либосида —
Юсуфни кўрганин сезмас эди ҳам!
Гўзал Зулайҳонинг ишва-нозида
Орзу ушалгандай,
хушнудлик кўркам...

Азиз

Маъқулми?!

Бизнинг бу, олий саройда —
Ўз саройингда, менинг маликам,
Ҳали кўп, сен билмас ғаройиботлар...
Барини кўрасан ўз кўзинг билан...

Азиз ва Зулайҳо қадам-бақадам
Ичкари киришди...
ташна гиёҳдек

Юсуф тикиларди,
қалбida алам,
Офтоб қовжиратган юзи сиёҳдек...
Йўл устида ўзи турарди танҳо,
Бўғзига тикилган эди дил сўзи!...
У ўтди...
бу ўша,
ўша Зулайҳо,
Тушида кўргани —
севгининг ўзи!

Ю с у ф

Эй, тақдир, бундан ҳам
яна баттари борми?
Ишқ олами ошиқ қалбга
шунчалик торми?
Тушимда кўрдиму,
ўнгимда бўлдим асир,
Айтинг, ўшал ёрми,
ё догоули маккорми?
Севги сехри довдиратиб
кўйдими, билмам,
Лабларимдан учайтган
ўтми, шарорми?
Рашким қўзғаб,
шамширига дуч келдимми ё,
Тилим забун, не ҳолат бу,
сиру асрорми?
Висол бундай юз бергунча,
кўзларим менинг
Оқиб туписа бўлмасмиди,
шафқатга зорми?

II

Баъзан саҳифалар варақлаб,
узоқ,
Хаёлга толасан, турфа ҳодиса
Бир-бирин пойлайди кўйгандай тузоқ,
Мабодо илинса, шоиргә маза...
Демак, омадининг келганлиги шу!

Қаерда эшиттан, қаерда кўрган;
Қаерда учратган,
кимлардан сўрган,
Ким билан баҳслашган, гап бундамас-ку?!

Воқеа борми, бор!
Ривожи керак!
Кошкийди, ўт олса йилтилаган чўр!
Ростдай эшитилса, кошкийди, эртак!
Кулоқлар қоматда,
кутгандай йўрик...

Начора!
Қалб-қалбга қовушмас, шўрлик –
Севишганлар ҳамон сарсон-саргардон!
Муҳаббат

ошиққа қилгандай зўрлик,
Жудолик дардидан юзлар заъфарон...
Илоҳий бир тушдан бошланди бари,
Хаёлда рўй берди севги ва висол.

Кошкийди,
лаҳзалик кувонч, ақалли,
Туш эмас, ўнгига кўрсатса жамол?!

Бу,
фақат бир орзу,
ҳамма гап шунда!
Орзу эзгуликдай ҳар вақт ушалмас!
Дард эса кўнгилга тушган тугун-да!
Бўшатай десант ҳам
дарров бўшалмас!

Юрак ва ақл аро абадул-азал
Зиддият ҳокимдир, зиддият ҳоким!...
Ҳали беллашмаган иккита полвон
Даврага киргудай бўлса беомон,
Фалаба тақдирин вақт этади ҳал,
Наинки полвонга,

хастага ҳаким!..

Вақт!

Вақт!

Шундай омил

ер қатламидай

Тарих қатламларин яратар аста,
Давру давронларнинг жамул-жамидай
Лаҳзаларда яшар,
яшар нафасда...

Дейдилар: вақт ўтар, гүё бир дарё,
Балки, инсон ўтар,
 вақт туради тек!

Лекин,
 вақт бешафқат,
 бефарқ,
 беларво,
Хаёт тезлигига сақланғандай қек!

Ривоят,
 бу, ҳали ҳаётдан олис,
Аммо, нурга ташна,
 юракка интиқ...

Тарих қатламларин ағдарсанг холис,
Хамиша вақт етмас,
Вақт хасис,
Инжик!
Демак,
 қадамларни илдамлаш лозим,
Ортта эмас,
 энди фақат олдинга!

Келажак ёритар
 ўтмишнинг изин,
Лекин, вақт етмайди яна якунга!
Санъатда ҳассослик отамеросдир...
Үзгаси —
 йўнгичқа йўнгандай эрмак!..

Мавқе,
 матлаб муҳим,
 муҳим асосдир —
Достонми,
 қиссами, тушми ё эртак!
Найлай!
 Яна ўша якка оёқ йўл,
Пасту баландликка бераман бардош...
Кошкийди,
 кенг йўлга чиқолсам,
 ўнг-сўл —

Бағрини очса-ю,
 олиб кетсам бош...
Балки, учратардим манзилма-манзил
Севишган қалбларни хилватда, ҳамдард...
Йўқ!
 Йўқ, бу ўнг эмас,
 туш-ку, беҳазил,

Ҳаётга яқинлик шарт эканми?

Шарт!

Ким дунё ташвишин қилса сарҳисоб,

Боши берк кўчада кўрар ўзини...

Кўчалар.

Кўчалар гўё шоҳ китоб,

Адашган йўлчига айтар сўзини.

Яна йўллар...

Йўллар этади давом,

Чўзилиб кетади йироқ-йироқقا...

Мен ҳам бобдан-бобга ошаман довон,

Қалбимни тиккандай қалтис синоққа!

III

Тонг отиб,

кун ботиб,

ойлар ўтаркан,

Йилларни қувалаб келади аср...

Гоҳ унинг,

гоҳ бунинг ташвиши билан

Кўз очиб, юмгунча, замон —

бир фасл...

Заҳмат-ла яшайсан,

қалбингда орзу:

Қанча мева берар давр дарахти?..

Олов эҳтиросу,

умид парвози —

Ўзгартмас

жеч қачон юриш шиддатин!

Фурсат ғаниматдир!

Ўзинъ ўйлаб кўр!

Куттанинг ортингда қолиб кетади,

Ёшлик түғёнларин босиб зўрма-зўр,

Юсуф эзгуликни идрок этади,

Зеро, умри шуни этмиш тақозо,

Тақдирда нима бор, билмоқлик қийин!

Начора!

Кулоги динг эди, аммо,

Лаблар муҳрланган,

тиярди тилин...

Бор бўлса, миннатдор,

йўққа қаноат...

Балки,
манглайига ёзилгани шул!
Тақдири азалга сақлаб садоқат:

— Сабр қыл,
унутма, — дер тақводор кул!...

Бироқ,
у дастлабки күнлардан бүён
Азиз эътиборин қозонган эди,
Сарой ҳаётига бокқандай ҳайрон,
Үзини ўзгача тутарди энди.

Хукмдор амри-ла этилди тайин
Догули Нофурнинг ноиби қилиб;
Ҳасадгўй қария кун ўтган сайин —
Қўрқарди ўзининг рақиби билиб...
Юсуф қулоғига чалинар садо —
Беибо аъёнлар фисқи, миш-миши...
Баъзан парво қилса,

баъзан бепарво,
Кўз олдида тундай севги ташвиши...
Начора! Хоҳлару, хоҳиши йўқдай,
Зулайҳодан ўзин холи тутади...
Лекин, кезар экан ягона кўкда
Юлдузни ой қандай ёнлаб ўтади?
Тақдир ўйинини ҳал этар фурсат!
Ҳали,

не савдолар тушар бошига!
Бу сирдан бехабар аркони давлат —
Азиз чорлар эди уни қошига...
Нимадан гап очар —

қайси масала,
Деҳқонлар турмуши унга аёнми?
Чорваси ёйилган далама-дала
Чўпон бадавлатми ё ногавонми?!
Қилич ҳали қинда, аммо тунлари
Чақмоқ чақиб,

янграп момақалдироқ...

Жангут жадалларда ўтган күнлари
Саркарда ёдида сўнмас шамчироқ...
Азиз келтириарди бир дунё мисол —
Ёв устига қандай ташланганидан,

Арзимас бир нарса туфайли
қаттол
Юз йиллик урушлар бошланганидан...
Кўрган-кечирганин гапириб, такрор,
Ром этарди Азиз йигит кўнглини,
Қариган чоғида тангри ҳам бекор
Унга йўлламаган доно қулини.
Юсуф сиймосида кўрас эди у
Самими жўш уриб турган туйгуни,
Гё ўз ҳукмига бўйсунмас кўркув —
Забтидан тарк этмиш эди севгини...
Йигит кўринишдан турарди хомуш,
Хаёл денгизига чўккандай чукур.
Ҳамон ихтиёрин ўғирларди туш,
Ўша туш,
сирли туш —
оқ-ойдин,
билиур...

Лекин,
Азиз унга кун ўтган сайин
Ишонч кўзи билан кулиб боқарди.
Рад этмас эди ҳеч қулбачча раъйин,
Ақли тиниклиги жуда ёқарди.
Ҳар қандай чигалга топарди ечим,
Қийиндан-қийинни этар эди ҳал!
Гарчи, суҳбатдошинг тинглар экан жим,
Ўз сўзинг ўзингта дастуриламал...
Юсуфни саркарда кўнглидагидай,
Анча ёш бўлса ҳам ҳурмат этарди.
Туш эмас, кўргани ўнгидагидай
Кўз олдидан
энди бир-бир ўтарди.
Ҳамон юрагида бор эди бир ғаш,
Ўзи ҳам билмасди қайдан бу туйфу?!
Хиёнатдан қўрқар,
қўрқарди яккаш,
Садоқат руҳига берарди урғу!
Гоҳи-гоҳ гап қочса, нозик нуктадан —
Бирдан Юсуф қалби қалқиб кетарди.
Кекса лашкарбоши чиқиб ўртадан,
Уруш майдонига, балки, йўрттарди...
Балки, овга бориб, қайтарди қуруқ,

Демак, илгариги ҳамласи йўқдай.

Ҳали,

от оғзидан олинмай сўлик,

Сувга шошиларди —

пўписа,

дўқдай...

Ўз уйи ўзига кўринарди ёт,

Баҳс билан ўтарди кечакундузи.

Гўё ич-ичидан чекарди фарёд,

Тонготар ўчгандай ёруғ юлдузи.

Юсуф Зулайҳони тарк этганидай

Хаёлга келтирмас эди Азизни.

Севса ҳам, севгисин беркитганидай

Утрашувдан холи тутарди ўзни...

Уфқ тагларида

шафақми, ёқут?

Парча булут ундан бепарво,

бегам...

Фаҳм этди:

Зулайҳо Азиз учун ҳам

Ол шафақдан олис бир парча булут!

Начора!

Кулсинми?..

Йўқ!

Йўқ, ҳеч қачон!

Бу ҳол унга янги бир дардни очди.

Бунда қаҳру ғазаб, тубсиз бир армон,

Кўзларидан гафлат уйқуси қочди.

Кошкийди

бир сўз-ла қилолсанг тасвир?!

Гарчи, тақдир ўзи этар тақозо —

Азизнинг севгиси узра, беҳазил,

Кул эмас, жигардай тутарди азо...

Юсуф ҳаяжондан кўярга ўзин

На бир пуштипаноҳ,

на жой топарди,

На тек туроларди ва на чоларди,

Айтай деса,

эвоҳ,

айтолмас сўзин!

IV

Кунлар шитобида бўлмай ғарқ, адо,
Кулиб боқди унга яна бир омад...
Фариб хужрасида бўлади пайдо
Жория қиз Мехри — самовий хилқат.
Лекин, кўзларида бедорлик зоҳир:
“Маликам буйруғин келтирдим,

зинҳор —

Бормоғингиз лозим қошига ҳозир,
Шошинг, йўлингизда зору интизор...”
Тошга ногоҳ урилган тўпдай
Бир орзиқиб тушди Юсуф юраги,
Сўнг бўшашиб ҳолсиз, хазонрез чўпдай,
Энди, шарт ақл билан тадбир кўрмаги!
Боғ сари йўл бордир, хона бир қадам...
Аммо, иккиланар, топарми даво?
Бир ёнда ёшликнинг шиддати кўркам,
Бир ёнда эзгулик,

андиша,

ҳаё!..

Туйгулар сир бермас гўё ниқобда,
Дўзах азобида Юсуф вужуди.
Учрашувга шошар,
шошар шу тобда,
Зулматли йўлларнинг йўқдай худуди.

Мунис оромгоҳда кўрсатар чирой
Гўё бир умрга тош қотган баҳор.
Бугун ўзгачадир қадимий сарой,
Хушнудлик касб этмиш,

балки, чор-ночор...

Қоронгулик аро сузар эди ой;
Зулайҳо рангидаи рангпар, бенаво...
Уфқ товланарди худди камон-ёй,
Садаф қадалгандай юлдузли само.
Юсуф ҳузурига пешвоз чиқди у,

Чиқди-ю,

чиққанча қотди ҳайкалдай.

Бир садо янгради,

янгради, ёху!

Тунда обиҳаёт оқдан пайкалдай...

З у л а й ҳ о

Нега

сен ўзингни овлоқ тутасан...
Нечун, Юсуф, айттил?
Балки, билмасдан —
Сени хафа қилиб қўйдимми,
Муомилам,
тилим,
феълим билан ё?
Ё бирор гуссангта бўлдимми сабаб?

Юсуф

Оҳ, нима деяпсиз, яна, маликам!
Мен бир қул бўлсаму, хафа бўлишни —
Ким қўйибди менга...

З у л а й ҳ о

Йўқ!

Йўқ, яширма!
Ҳа-да! Сен айтгандай мен маликаман,
Бу ерда ҳар бир кўз — менинг ҳукмимда,
Сенинг кўзларингдан бошқаси фақат...
Нечун, сен ўзингни олиб қочасан?

Юсуф

Шундай туюлади...

З у л а й ҳ о

Шундайми? Асло!

Йўқ!
Йўқ, ростин айтсан, бу менга аён,
Кузатиб келаман анчадан буён...

Юсуф

Хаддим борми сизга қиё боқмоқقا?

З у л а й ҳ о

Ҳаддим борми эмиш?!

Ўзинг биласан,
Ижозат берсам ҳам муҳрлангандай,
Ғафлат кўрпасини нега отмайсан?
Нега, рухсоримга тўйиб, боқмайсан?
Қалб деганинг тошми,
кесакми, нима?

Ю с у ф

Шафқат қилинг менга,
гўзал маликам!...

З у л а й ҳ о

Шафқат эмиш, шафқат... Майли, мен рози,
Лекин, сен аввало тушунтири менга
Бу қизиқ ҳолатнинг сабабларини,
Нечун, бирор жойда кўрмайман сени?
На сайри боғ вақти —

хушнуд соатлар,
На айвонда кашта тиккан кезларим,
Қайиқда сузишдан аввал қирюқда?..
Тушликка чиқаман,

ҳамма бор, аммо
Юсуфдан дарак йўқ!

Начора,
найлай!
Эримни ширкорга кузатганда ҳам,
Юсуф кўринмайди,
Юсуф кўринмас...

Ахир,
сен бу ерда уй соҳибидай...

Наҳотки,
билмасанг,
идрок этмасанг!

Ўзинг айттанингча,
мен маликаман,
Бу олий даргоҳда менинг сўзим —
сўз,
Ҳамма нарса, билки, менинг измимда,
Ҳаттоқи, муҳаббат...

Ю с у ф

Мұҳаббат? Қизик!
З у л а й ҳ о

Қани, кел...
айтиб бер, нима рўй берди?
Бошингдан ўтганми ҳеч қандай савдо,
Бевафо севгиға ёки мубтало –
Бўлган бўлсанг, айттил, сир тутмасанг гар?

Ю с у ф

Маликам!

З у л а й ҳ о

Кулогум сенда!
Дейдилар, шириңсүз эмишсан жуда,
Ҳали кўрганим ийӯқ бунинг исботин.
Балки, ақлингни ҳам яширмоқдасан
Гўзал кўзларингни яширган мисол...
Жавоб бер, балки, ақли носиқман,
Маънисиз суҳбатим тегдими жонга?
Ёки мен шу қадар хунук, бадбинман,
Кўз ташлашга ҳам арзитмайсанми?

Ю с у ф

Оҳ, маликам,
сиз шу қадар гўзалсиз...

З у л а й ҳ о

Хўш? Гапир!
Бир нарса десанг-чи, ахир!...
Бир вақтлар сўз сўраб ўтирасдим ҳам,
Сўнгсиз шалоладай оқарди ўзи...
Энди-чи, сир эмас, кўриб турибсан,
Нима десанг, майли, деявер,
лекин,
Қаҳру ғазабимдан ўзинг тут нари!

Юсуп

Мен —

бир қулбаччаман...

Нигоҳим эса,

Бургут нигоҳидай ўткир ҳам эмас,

Тик назар сололсам қуёшга токи!

Кулман!

Насиб этмас менга ҳеч қачон
Бундан ўзга қисмат,

ўзга баҳт-иқбол...

Орзуладарим

қанот қоқмас юксакка,

Ҳаққим йўқ!

Зурайҳо

Чўққини забтга ололсанг,

Ўшандада биласан,

ҳаққинг борми, йўқ?!

Юсуп

Маликам!..

Зурайҳо

Ҳа, шундай,

мен маликаман...

Қулоқ сол,

қалбимни очиб ташласам,

Пора-пора қилсам ямоқдарини,

Оёғинг остига йиқилсам...

мен ҳам

Аслида бир қулман —

ўзингта ўхшаш!

Ақлдан оздимми,

ёки ақлимга

Нур бўлиб кирдингу,

пешладинг уни,

Ўзим ҳам билмасдан қолдим боисин,

Ким кучли,

сенми,

мен ё муҳаббатми?!

Ю с у ф

Нималар деяпсиз, маликам?

З у л а й ҳ о

Тўхта!..

Ахир,
иккимиз ҳам бу ерда кул-ку,
Тақдиримиз, билсанг, ўзга хукмида!...
Тутқунликда тенгмиз,
очигин айтсам...

Сен
менга монанддай кўриндинг яққол
Саҳархез рўй берган сеҳрли тушда.
Наҳотки, унугсам энди, азизим,
Ўша туш эсимда ҳозирдагидай!

Ю с у ф

Таажжуб, маликам,
наҳотки, шундай!
Бундай ҳол менда ҳам бўлғанди содир
Фалокат юз берган кеча...

З у л а й ҳ о

Ё Оллоҳ!
Сен самодан келган ўша ваҳийга
Кулоқ тутиб, имон келтирмайсанми?
Биргамиз
мисоли ялакат данак...

Севги-чи?...
Икки қалб бир вақт кўрган туш!

Ю с у ф

Маликам,
икки қалб эмасмиз, аммо...

Зулайҳо

Шундайми!

Жуда соз...

тилдан тутилдинг,

Ўз вақтида ўтдинг қалтис синоқдан!

Фалокат босиб, сен қул бўлмагансан,

Энди, ишонмайман бундай гапга ҳеч!

Дунёга ўзинг қул бўлиб келгансан,

Кўриб турибман-ку, ўз кўзим билан.

Шу экан, пайқадим, бўлган-турганинг!

Қани,

тез жўнаб қол,

тентак,

таги паст,

Муҳаббат мулкидан бебаҳра маҳлуқ!

V

Тақдир ўйинига дуч келди Юсуф,

Зулайҳо қаҳридан сақлармикан жон?!?

Шоир воқеани тўхтатиб, тўсиб,

Сўнгин этолмайди олдиндан баён...

Китобхон кечирсин!

Шундай қоида:

Кутса,

кутаверсин зору интизор!

Лекин,

ўз вақтида ва ўз жойида

Айтилган ҳар бир сўз топар эътибор.

Азизим,

ривоят этмоқда давом,

Сенга таниш-билиш қаҳрамонимиз —

Кўринган бўлса ҳам аввал нурсиз,

хом,

Энди йўлимизда чароғбонимиз.

Ўзи етаклайди, ўзи бошлайди,

Биз эса бу йўлда йўлдошмиз фақат,

Мабодо,

адашса бош ҳам қашлайди...

Нетай!

Тил тишлайман, етарми тоқат?!

Юсуф уч нарсадан чўчийди, холос,
Уч нарса қалбига солади даҳшат:
Бириси хиёнат,
бири жиноят,
Яна бири — тухмат қуруқ,
беасос!

Эвоҳ! Иккисини бошдан кечирди —
Жиноят юз берди оға қўлида,
Жигар —
жигарига оғу ичирди
Машъум тун қўйнида,
араб чўлида...

Аммо,
хиёнатдан сақлади ўзин,
Зулайҳо дарғазаб бўлса ҳам, майли!
Бебурд муҳаббатдан ўтириди юзин,
Азиз ҳурмати-ю,
имон туфайли...

Кошки, маломатга дучор бўлмаса!
Ўйласа!

Юраги ортга тортади,
Эсласа!
Ташвиши яна ортади,
Ногоҳ гафлат босиб, паймон тўлмаса!
Гарчи,

биз биламиз,
санъат бир кўзгу —
Лоқайдликдан холи,
ФИЖ-ФИЖ эҳтирос...

Бемаврид қўйилган айблардан у
Қандай қилиб ўзин этади халос?!
Баъзан чекинади, ўйга ботади,
Баъзан илгарилақ кетади узоқ.
Гоҳ қўрқиб гумроҳдай,

тошдай қотади,
Гоҳ ошиқдай очар севигига кучоқ...
Мана,

илк учрашув —
Юсуф, Зулайҳо...

Гўё
бири доно, бириси нодон;
Бири ор-номусли,
бири беҳаё,

Бирида маккорлик,
бирида виждон...
Туйгулар түгёни кенг қулоч отар,
Дарвоқе, достонга бу ҳол жуда бол!
Воқеалар тирбанд, қалашиб ётар,
Шоир ўз домига сололмай хуноб...
Эй, сабот! Кўмакка келдингми чопиб,
Бу жангда ким енгар —
юракми, ақл?
Кошкийди янграса камолот топиб,
Муҳаббат куйидай эски бир нақл...
Бу орзу,
орзуга эса айб йўқ!
Илҳом зориқтириб,
қақшатмаса бас!
Севги қисматидан Юсуф кўнгли тўқ,
Ҳолбуки, Зулайҳо аламнок,
араз...

VI

Замин оғушида талтайиб замон,
Ўз-ўзин эркалаб, ҳаддан ошарди.
Қалбга сифмагандай шуҳрат ва армон
Вулқондай куч тўплаб,
қайнаб,
тошарди...
Жангу жадал йиллар,
қаттол асрлар
Хансираб,
қонсираб олади нафас.
Урушлар сўнггида қолган қасрлар
Тумрайиб турарди гёё бир қафас...
Ёнар тоғ устида тургандай тупроқ,
Бўрондан бехабар кулгандай баҳор,
Сокин сув бетида тутгандай тўлғоқ,
Кемалар чайқалар,
чайқалар ночор...
Деҳқон ўз ишини тарк этмасди ҳеч,
Мағрур кўксин тутган даралар аро
Подалар тушарди чўкканида кеч,

Водий,
воҳаларда янграп акс-садо...

Ҳатто, хаёлингга келтирмасдинг ҳам,
Оёинг остида кўпорди вулқон.
Лаъвалар отилиб, түё жаҳаннам —
Оғзида тургандай замину замон!
ЭвоХ!

Қил устида туарди ҳаёт...
“Чирт” этиб, узилиб кетса мабодо,
Йиғлаб, ўкирарди қалб мотамсаро!
Севги,

эҳтирослар сўнарди чўғдай,
Хувиллаб қоларди одамсиз олам!
Бир қалтис зарб билан келажак йўқдай,
Бир қалтис зарб билан йўқдай ўтмиш ҳам!
Ҳолбуки, ҳали тик Азиз саройи,
Ҳали фисқу фужур, фийбатта макон...
Ҳали гуллар кўз-кўз қиласар чиройин,
Ҳали оромгоҳда дил тўла армон...
Ҳали жавоҳирлар товланар, ёнар,
Хоналарнинг ичи заррин,
серҳашам...

Қоронғу дарчалар ўзликдан тонар,
Нопармон нур ўйнар дилрабо, қашанг...
Чироф шуъласида —

келтириб имон,
Шахмат сурар эди мўйсафид Нофур.
Атрофда сокинлик, қалбда ҳаяжон,
Наҳотки, рақиби бепарво,
ғофил...

А з и з

Зерикарли бўлди бу галги ўйин!
Кўлим чиқиб қолмиш,
тўғрисин айтсан...

Шахмат тахтасининг ёнига яқин
Келмаганимга ҳам кўп бўлди,
шекил...

Н о ф у р

Маликамиз ташриф буюргандан...

Азиз

Ҳа...

Ўшандан беридир... Ҳа-да, ўша вақт...

Нофур

Кечиргайсиз,

жаноб,

яна шоҳ, сизга!

Азиз

Кўздан қочирибман, айб ўзимда!

Майли, чекинаман... тагин бурчакка...

Бошқа иложим йўқ...

эсингда, Нофур,

Шахматни илгари севардим жуда,

Ўшанда у менга ёрдам берарди!

Жанг майдони узра туриб,

майдонни

Шахмат таҳтасидай фараз қиласадим,

Катак-катақларга бўлинган,

аниқ...

Бир боқсам,

беш кўлдай равшан ҳаммаси,

Пиёдадан тортиб отлиқларгача —

Хужумга тайёрдай, имога маҳтал!

Минора бошида тўралар турар,

Олдинга борарди бариси,

силжиб...

Фарзинга ўхшардим, ўзим ҳам шунда,

Кувиб етолардим,

кимни истасам!

Олдиндан кўтардим хужум йўлларин,

Шундай от сурардим —

рақиб ҳоли танг!

Ўлим юзланса, тик боқа олардим,

Тақдир ўз қўлимда эканини ҳам

Яхши тушунардим,

яхши англардим,

Буюк ғалабалар даҳоси эдим...

Ўтди-кетди бари вафосиз ёрдай.

Нофур

Кечирасиз энди, мотсиз, азизим!..
Азиз

Шундай де! Шахмат ҳам юз ўғирдими?!
Чин сўзни айтсан гар, Нофур,

ютқаздим,

Ҳа, ҳаётимни ҳам шу ўйин каби!..
Ҳаммасин,

ҳаммасин бир тошга тикдим,
Ҳаммасин!

Неки бор, ҳаммасини ҳам —
Қалбимни,

кучимни,

бахт,

ишончимни —

Барин бир юлдузга тиккан эдим мен!
Оқибат —

хиёнат юз бердими?

Йўқ!

Менга саҳродағи саробдай бўлиб —
Кўринди-ю,

кўздан йўқолди, Нофур!

Тулқидек ҳам хушёр, ҳам айёр эдим,
Айира олардим ёлғонни ростдан,
Энди-чи,

қопқонга тушиб турибман,
Кимни ҳам айблай,

кимдан ўқинчим!

Ногоҳ,

пайқаб қолдим ўзим ўзимга

Тузоқ қўйганимни —

қандай қўргилик!

Қўрганман-ку, ахир, илинган тулки
Қопқондан чиқолмай ўз оёғини —
Ўзи ғажиганин...

мен қандоқ қилай,

Ўз оёғимни ўзим ғажий олмасам?!

Нофур

Сўзингиз мағзини чақиб турибман,

Ўйламанг,
боқишим беҳуда эмас...
Жанобим, ижозат берсангиз агар,
Бир оғиз радија билдиromoқчиман:
Ноҳақсиз, албатта!

Бу, сизга ёқмас,
Ёқмаса, начора! Лекин айтганим —
Ҳаққоний, ҳақ гапдир!

Сиз эса бир вақт
Тутган жойингизни кесиб келгансиз,
Чекиниш, ён бериш сизга ёт бўлган,
Шунингдек ёт бўлган мағлубият ҳам,
Үрганиб қолгансиз ғолибиятни
Бирдан забт этишга!

Э, ҳозир бошқа,
Яъни имконият ва орзу-ҳавас
Юзма-юз тургандай...
бири бўй чўзса,
Бириси қад букар истар-истамас,
Лекин, кўнизиш бор машъум тақдирда...

A з и з

Тулкилик қилма, чол! Ҳарбу зарбда ҳам
Эпчилик,
донолик,

айёрлик фақат —
Қалбингда ғалаба ниш урган бўлса,
Фойда етказиши мумкиндир, ҳолос!
Арғумоқ бўлмаса, узанги нечун?!

Муҳаббат ҳам шундай!

Шундай бир нарса...
Бор қилиб бўлмайди йўқ жойдан уни!
Ваҳидан келмайди ўзи-ўзича...
Билмаган бўлсам гар илгарилари,
Эндиликда буни яхши биламан,
Хат-саводим чиқди қариганимда!
Ҳа, майли, нимасин айтайнин яна...
Биламан ҳаётнинг сиру асрорин,
Ортга чекинмайди ғилдираклари,
Аммо, ҳар қалай, у шахматдан кўра
Раҳму шафқатлироқ,
йўл топсанг бўлар!
Ҳаёт йўллари кўп... шахматда эса

Мот бўлдингми, тамом —
вассалом!

Нофур

Шундай!

АЗИЗ

Эсимга тушди бир қизиқ воқеа,
Тўхта, кулоқ солсанг, айтиб бераман:
Шикорга чиққандим —
ов хуморида,
Кўзим тушиб қолди тўқай оралаб,
Ўтиб бораётган баҳайбат шерга...
Тўрт томондан куршаб,
қамалга олиб,
Пистирмага ҳайдаб қолдик жонворни...
Собитқадам билан борар эди у!
Мўлжалга олдиму,
ўқ уздим дарҳол,
Яраланди,
лекин, ўзи сезмасди,
Эҳтимол, сезса ҳам, писанд қилмасди...
Ногаҳон ўшқирди фазабга келиб,
Балки,
бу биринчи марта эмасдир,
Бир ўзи уч ит, бир ҳайдовчи қулнинг
Тилка-порасини чиқариб, қочди —
Бутун бир тўқайни бошта кўтариб ...
Оғир жароҳатга қарамай,
кудрат,
Шижоат ҳис қиласи эди ўзида,
Навбатдаги ўқса чап бермоқ бўлиб,
Югурди наридан, яна нарига...
Ниҳоят кўрдики, энди илож йўқ,
Йўл тўсик, жонини сақлай оларми?
Эвоҳ! Нажот йўли,
ҳаёт йўли берк!
Кечиккан энди у,
кўлдан кетган эрк...
Найзалар ҳукмидан чекинди аввал,

Ноғұр

Жанобим,
билиман, сиз шердан кучли,
Шердан донороқсиз!..

АЗИЗ

Нима ҳам дейман!..
Яхписи, маслаҳат бер менга ўзинг,
Нима билан машғул бўлай энди мен?
Талай элу юргни забт этдим бир вақт,
Ўзим ҳам тугадим забткорлик билан...
Урушдан чарчадим, ростини айтсам,
Кирғинлар, ёнғинлар жонимга тегди.
Энди юришларга қолмади тоқат,
Балодай кўринар майдон кўзимга,
Ўз лашкарларим кулоқ солмас ўзимга...
Хатто, шахмат сурсам,
оддий тошлар ҳам
Бўйин товлашади ақлим ҳукмидан...
Барибир эрмакка керак бир нарса,
Нима билан машғул бўлмоқдик дуруст?
Ов билан, эҳтимол, банд бўлган маъқул!
Нимасин айтасан, қўлбона итлар...
Отлар туёғидан ўтлар чақнаши...
Наъракор бургулар!...
Кошки, бурғуда
Фақатгина баланд овоз бўлсайди!..
Йўқ!
Утган ёшликни кўмсайди у ҳам!...

Найлай!

Безак бўлиб тушса сочингта –
Қариллик белгиси — оппоқ толалар...
Қалб учун бундан ҳам оғир юқ борми?!
Ҳаммаси ўткинчи,
дунё бебақо!

Афсус! Доги қолар юрак тубида
Аламли йилларнинг...

буюр, мўйсафиид,
Номардга ҳеч қачон муҳтож қиласин,
Қани, овга кетдик, шайлансин алплар!

VII

Жаҳоннинг жомаси ҳар ерда ҳар хил,
Ҳар юргнинг ўзига хос зеби зийнати...
Дўзахдай кўринган саҳрои кабир
Бу элнинг, эҳтимол, кўрки,
савлати.

Холбуки, барханлар босишга тайёр,
Бир ямлаб ютгудай важоҳатидан!
Мабодо,

жилмайса, алданма зинҳор,
Ўзингни асрагил фалокатидан!
Кўчманчи қўмларнинг тагида қолма,
Эҳ-ҳе! Ранг-барангдир саҳро найранги...
Йўл юрсанг, мўл юргил, толиқма, толма!
Оёғинг остида тошлар заранги...
Овчилар кўнглини очарди саҳро,
Бехуда талпинмас эди юраклар!
Карвондан адашса, янграган садо
Үлжа пойлагани кучиб,

йўргаклар...

... Эрта тонготардан шовқину сурон,
Шикор анжоми-ла банд сарой саҳни.
Итлар ириллайди, отлар хиромон,
Овчи кўп, одамнинг келади ваҳми!
Кузатувчининг ҳам сон-саноғи йўқ,
Кузатарди, ҳатто, сарой роҳиби.
Карвонга ортилди найза, камон, ўқ...
Хушнуд чиқиб келди шикор соҳиби...
Йўл-йўлакай уни

ясовуллар ҳам

Кўллари кўксида кузатишарди.
Омад тилаб овга,
 қадам-бақадам,
Югуриб-елишиб узатишарди.
Икки ё уч кунга чўзиларди ов,
Баъзан ҳафталаб ҳам давом этарди.
Шовқин-сурон уйда тинмасди дарров,
Кейин,
 аста-секин кунлар ўтарди,
Кутишарди —
 кўзлар йўлда ниғорон,
Бирдан кўтарилса узоқларда чанг,
Зориққан юракни ўртарди армон,
Суворий келгунча асаблар таранг...
Тўзон кўтарилиди айни шу оқшом —
Олис-олисларда...
 борми бир хабар?
Ҳали, олганча йўқ малика ором,
Қора терга ботиб, келди-ку чопар:
— Фалокат! Фалокат рўй берди овда!

Зулайҳо

Вой, шўрим! Ҳай, Мехри!!!
Мехри

Лаббай, маликам!

Чопар

Бир шерни қувладик...

Зулайҳо

Қани у?

Чопар

Яраланди...

Нофур

Яраланди?.. Ким?

Ч о п а р

Шер! Бояги шер, биз қувлаган шер...

Н о ф ур

Оллоҳга шукур...

Ч о п а р

Яраланди-ю,
Сүнги оташ ёнди танида!
Найзалар тифини кўтариб бордик,
Бирдан йўлимизни тўсиб саркарда,
Якка ўзи шерга ташланди ногоҳ!

Н о ф ур

Ё раббим!

Ч о п а р

Шер иргиб сакради, найзани отдик,
Бошқа бир кўмакни иложи йўқдай!

М е ҳ р и

Ё тавба!

Н о ф ур

Алҳазар, алҳазар!

Ч о п а р

Тўрт найза санчилди шернинг кўксига,
Кошкийди кўрмасам бешинчисини,
Кўрган кўзларимни ўйиб ташлардим!

Н о ф ур

Бу, қандай даҳшат!

Ч о п а р

Тешиб ўтди, ахир, қоқ кўкрагидан...

Зулайҳо

Эвоҳ!

Чопар

Найза билан шер ўртасида
Ҳалок бўлди, шўрлик, қалтис бир жангда...
Ёнма-ён ётарди шунда икки шер!

Нофур

Ҳайҳот! Кўзларда ёш, қалбларда алам,
Бевақт узилгандай рубоб авжида!
Ётган жойи жаннат бўлсин саркардамизниң...
Ҳалойик, тарқалинг! Тонг отиб қолди,
Ором олинг энди сиз ҳам, маликам...

Эл оғзига элак тутиб бўлмасди,
Юсуф эса дардин ютарди ичга,
Ўзи кулганда ҳам қалби кулмасди,
Ташвиш айланарди сеҳрли кучга...
Азиз хотирасин табаррук тутиб,
Гўё ёниқ шамни ўчирмас эди...
Қалбининг тубидан кўчирмас эди —
Палаҳмон тошидай,

имонин ютиб!..

Энди жой қолмади бу қора кунда
Ўз дарди ўзига етмаган каби!
Наҳотки, елкандай катта тўлқинда
Фарқ бўлиб кетса у, соҳилдан нари?!
Яна қаттол тақдир забтига олиб,
Дўстни дўст кулфати билан янчиса?!

Наҳотки, риёкор чиққандай ғолиб,
Устидан кулса-ю, сўнгра тинчиса?!

VIII

Кунлар ўтар гўё секин,
имиилаб,
Лекин, воқеалар забткор суръатда...
Яна чопар келди —
сувлар жимиirlаб,
Еру кўк кутарди уни ҳайратда.

Ч о п а р

Мана, мен келтирдим
ҳазрати олий
Таймус шоҳ номидан чексиз таъзия,
Саркардаи аъзам ҳалокати-ла
Гўзал маликамиз бошига тушган
Қора кун туфайли...

Н о ф ур

Хуш кўрдик, меҳмон!
Тақдирда бор экан шундай бир кулфат,
На илож?!
Бандага тортмоқлик лозим!
Аммо,
ростин айтсам,
бу кулфат бизга
Ҳамма кулфатлардан оғир бўлди,
ҳа!
Маликамизга ҳам,
элу юртга ҳам!

Зулайҳо кўшкидан чиқди фаромуш,
Чопар келганидан хабар топгандай...
Яна тонготарлаб кўрдимикан туш,
Туш таъбирин англаб, эшик ёпгандай...
Мана,
хузурида турарди чопар,
Таъзим келтирганча, қовуштириб қўл.
Нома муҳрланган.
Лекин, бу сафар
Ҳали ўқилмасдан аён эди ул:
Таъзия... Зулайҳо кўнглини овлаш...
Таймус шоҳ қалбидан —
салтанатидан...
Зулайҳо ҳангу мант,
ундаги қашаш —
Мусибатиданми,
муҳаббатидан,

Хеч ким билмас эди ўзидан бўлак,
На Юсуф,
на Нофур,
на Мехри, ҳатто!
Ақлу ҳуш бошқадир,
бошқадир юрак,
Ё раббим, қилмаса бўлгани хато!
Таймус шоҳ қизини чорларди, энди,
Ўз ота уйига,
ўз тупроғига.
Дердики,
хукмини қарилик енгди,
Кўзи тўрт ёлғизи —
шамчироғига...
Зулайҳо учун бу оғир масала,
Кувончили таклифи,
чигал бир жумбок!
Ҳаммага айтолмас дардин барадла,
Нофур қаршисида тоқатидир тоқ!

Нофур

Шодман!
Ота сўзин рад этиб бўлмас,
Бу ҳол ўзингизга аён, маликам!
Бироқ, ўтинаман,
мабодо, кўнгил
Ихтиёр этмаса кетишни бундан,
Бош устига амру фармонларингиз,
Ҳаммасига ўзим ҳозири нозир...
Саркарда арвоҳи ёр бўлсин сизга,
Балки,
кунлар келар бундан ҳам афзал!
Лекин...

Зулагиҳо

Ҳа, тақсирим, не демоқчисиз?
Кетайми — қолайми?
Англай олмадим!

Ўйлайманки,
буни на мен,
на бир сиз —
Ҳал қиласиз!

Таҳдир ихтиёрига
Кўпдан бери бериб қўйганман ўзни!
Ҳув, ана, у бебош Нил дарёсида
Чалғиб,
қалқиб юрган бир қайиқ мисол...

Жим қолди Зулайҳо,
жим қолди Нофур,
Юракларда эса шовқину сурон.
Нофурни билмайман,

Зулайҳо қурғур
Юсуф дарди билан ёнарди ҳамон...
Малика кўксисида ўтли эҳтирос,
Уни яширишта топмасди ҳожат!
Шошарди, сел келиб қўйгандай шаррос,
Қора тун пардасин тонг йиртса, шояд!
Чопар қайтди...

Кўкда ёнди ол шафақ...
Эвоҳ!

Қон рангига бўялди само,
Кечани кеч демай, Мехри қизалоқ
Юсуфнинг қошида бўлади пайдо
Ва уни чорлайди хиёбон сари,
Зулайҳо кутади зору интизор.
Юсуфни чарлайди кўзлардан нари —
Оромгоҳга яқин жойга беозор.
Хизматкорлар аро юрарди гап-сўз:
“Бунчалик иззатни кўрмаган Нофур...”
Ҳали, қора ечмай ўзини кўз-кўз
Малика қилса-ю,

тилсиз тафаккур!
Баҳона бўлса, бас, нодир тош тортиқ,
Жавоҳир сандиги очилур дарҳол!
Зулайҳо наздида Юсуфдан ортиқ
Ким бўлиши мумкин?

Бу, амримаҳол!
Энди яширмасди элнинг кўзидан

Қалбида жўш урган муҳаббатини,
Ўқиса бўларди унинг юзидан
Кўнгил тубидаги саховатини.
Асло ечмасликни буюарди у,
Белига боғланган олтин камарни,
Ҳатто элтса ҳам, майлига, уйқу,
Аммо,
 тарк этмаса, басдир, қамарни!
Шоҳона даргоҳда,
 саройда,
 үйда
Ҳамма севармиди Юсуфни ё йўқ?
Лекин, шон-шуҳрати кўчаю кўйда
Вақт-бевакт янграрди отилгандай ўқ...
Куллик либосига қарамай қисмат –
Филдираги уни олдинга сурди.
Омади кулди-ю,
 қозонди ҳурмат,
Ўзин тонг юлдузи ёнида кўрди.
Начора!
 Ошиқнинг улфати хаёл,
Узоқ-узоқларга олиб кетади.
Ҳасадгўй қалбларга келгандай малол,
Мудраган фийбатни туртиб ўтади.
Кутурган итлардай тарқайди ҳар ён
Ифбо,
 фиску фужур чўзиб тилини...
Юсуф, Зулайҳодай ишқий бир достон
Куюндай тутади Миср элини...
Юсуф юрагини яралар яна
Ювуқсиз қўл отган маломат тоши...
Наҳотки,
 ҳалоллик қолса ордона,
Шоҳлар саройида топталса боши!
Гоҳ эрта тонготар,
 гоҳ яrim кеча
Юсуф қулоғига чалинарди нақ,
Қора бир фитна-ю,
 қонли бир режа...
Наҳотки,
 диёнат лоқайд,
 муаллақ?

Йўқ!

Имон келтирар эди ҳалойиқ,
Огоҳдай турарди бундан Мехри ҳам...
Мұҳаббат ҳамиша шарафға лойиқ!
Мұҳаббат саройи баҳордай күркам!!!
Бир кун қош қорайиб,
 уфқнинг таги
Кесакдай бўзариб, сўнганида нур,
Паға булутларнинг чўғли этаги
Судралиб қолганда —
 тин олиб чуқур,
Юсуф ўтиб қолди яшил йўлакдан,
Ногоҳ эшитилди устма-уст овоз...
Кимдир кулги қиласар эди юракдан:
“Рафтторини қара, чумчуқми ё ғоз?”
Ҳамма қаҳ-қаҳ урмиш,
 ичак узилмиш...
Овчияю чўпонлар, улардан нари —
Боғбону фаррошлар сари чўзилмиш,
Бириси ёш бўлса,
 бираиси қари...
Яна аллақанча ошпаз ва қарол,
Ясовул, қоровул қадам-бақадам...
Лашкарларни, энди, айтмай кўя қол,
Етиб келди сарой қизиқчиси ҳам!...
Юсуфга тоқати йўқ эди унинг,
Эҳтимол Азизни рашк кўрганидан,
Чийириб юарди унга бурнини,
Энди,
 маликанинг ҳирс қўйганидан
Кулиб гапиради,
 мазах қиласарди,
Дам бермай, сўзини сўзга уларди,
Бир кулгу устига яна минг кулгу...
Юсуф тек турганча қотиб қолди-ку!

О в о з

Қани, ҳой қизиқчи, яна бир бопла!

Қизиқчи

Хоҳласанг, ҳормайман, айтганим-айтган,
Кошки, гап тагидан чиқиб кетолсанг!
Хўрз бўлсам, кошки, товуқдан қайтган,
Қақ-қақу... қақласам, қувиб-етолсанг!

Овозлар

Ха-ха, шоввоз!

Қизиқчи

Эҳ, чипорбегим,
Унга, фақат, хўрз бўлса, бас!
Маликага нима ҳам дегим!
Кекса дилин қитиқлаб ҳавас,
Унга совчи йўлласа шошиб,
Севиб қолмиш югурдагини,
Шоҳ ақлидан ногоҳ адашиб,
Чўзган эмиш кекирдагини –
Совға-салом деса, дегулик,
Бодринглар шўртак,
егулик!

Ўзи элчи кийимин кийиб,
Фармойишдан тилини тийиб,
Сўраганмиш малика қиздан:
“Мен маъқулми ёки бодринг?”
Ўйламайин деганмиш тездан:
“Бодрингларни, майли, қолдиринг...”
Ха-ха! Ха-ха, элчига жиртак!
Унга эса ёшроғи керак!

Овоз

Ҳой, қизиқчи, қулоқ сол, қулоқ!
Кўшиқ айтсанг, ёнармиш чироқ,
Ростми?

Қизиқчи

Ҳа, рост... кел, юпқа томоқ...

(Кўйлайди)

Маликамиз моҳитоб,
Таърифласам бир китоб.
Қўли очик, бемалол,
Диловор, соҳибжамол!
Шундай яраттан тақдир!
Дўстим, англаган ҳақдир:
Ҳамёнсиз кирган почча
Бўлиб чиқди бойвачча!

Овозлар

Ха-ха!...

Ясовул

Нима дейсан, яна ландовур?

Қизиқчи

Ха-да, маликамиз саховати зўр!
Тақсир,
мушук бепул чиқмас офтобга...

Овозлар

Ха-ха! Ҳе-ҳе!

Ҳамма тарқалди-ю, сарой аҳлининг
Кулгиси кетмади кулоқлардан ҳеч!
Тўрга илинтириб Юсуф ақлини,
Таъқиб этди гўё уни эрта-кеч...

IX

Зулайҳо

Бағримни қон қилди, найлай,
афсуну надоматлар,
Мұҳаббат чехрасига
лой суртди-ку, маломатлар...

Вафодан лоф урганим йўқ,
имон келтирдим холос,
Кўз олдимдан ўтди ногоҳ
не турли синоатлар...
Қабоҳатга мушт кўтардим,
мурод бўлмади ҳосил,
Панд берди-ку, ҳар қадамда
минг йиллик хиёнатлар.
Лутф ила кутдим саховат
толеим меҳробидан,
Рўпарамдан чиқди, аммо,
қақшаган адватлар...
Оҳ, Юсуф!..

Нофур

Юсуф?!.
Маликам, маъзур тутсангиз, агар,
Бир оғиз сўзим бор...

Зулаго

Айтинг!

Нофур

Билмам, маъқул бўладими, йўқми?
Кулокқа чалинар совуқ бир садо,
Сарой аъёнларин фиску фужури,
Баъзан парво қисам, баъзан бепарво,
Лекин, кўз ўнгимда саркарда руҳи
Ҳамиша барҳаёт, пурвиқор, буюк,
Наҳот, суяқ суриш бўлса-ю, канда,
Бир қулбачча сизга азиз ва суюк!

Зулаго

Биламан, Юсуфга тоқатингиз йўқ,
Тоқати йўқ ҳатто Фиръавннинг ҳам!
Аммо, у...

Ноғур

Аммо, у сизга тенг эмас!

Зулайҳо

Тенгми, тенг эмасми,
қайдан биласиз?
Сизга ваҳий келганми қўқдан?..

Ноғур

Тасбех ўтирганда санаш шарт эмас,
Санааб қўйилган у аввал бошидан.
Арвоҳ хотира бор ундан ҳам эзгу!..
Афв этинг, маликам,
Мен Фиръавн ҳазрати олийлари
Хузурига кетдим.

X

Тун бўйи бир киприк қоқмади шўрлик,
Тушини эсларди энди ўнгида.
Юсуф юрагини тиғларди зўрлик,
Шафақ яллиғидай кунлар сўнгида...
“Нима қылсам экан?”
дерди ўзича,
Қай бири кўл келар —
аклми, юрак?
Багри эзилди-ку гўё қўзича,
Азобда қолди-ку севги ва тилак...
Ногаҳон жория бўлади пайдо,
Нозу карашма-ла қиласи таъзим:
“Ҳурматли маликам сизни, шу асно
Хиёбонда кутар,
бормоқлик лозим!”
Юсуф ўйланади,
дили эса ғаш...
Бориш-бормасини қилолмайди ҳал,
Қадам қўйяй деса, йўллари чалкаш,
Мехри уни қистайди жадал.

Ю с у ф

Не кунга қолдим, водариф,
икки ўт орасида,
Ташналиқдан бемажолман
муҳаббат саҳросида.

Юз ўғирдим хиёнатдан
бўлса ҳам захри гумон,
Чақмоқ қилдим имонимни
садоқат самосида.

Тонгта интиқман, найлай,
тонг отмас гўё қуёш —
Куйиб кетган хижолатдан,
кўзимнинг қаросида.

Аё дўстлар, аламнокман,
дардманд борми дардимга,
Рози дилим янграмасми
ҳақгўйлик ҳавосида.

Қулоч отсам, ишқ туфайли
қалбимни ҳамон доғлаб,
Соҳилига етолмасман
эзгулик дағёсида.

Ниҳоят йўл олди,
сўзлашмоқ керак,
Балки, унга айни изоҳнинг вақти!
Кошкийди
шу билан тугаса эртак,
Осмондай очилса Юсуфнинг бахти!

З у л а й ҳ о

Келдингми, жонгинам, сир эмас сендан,
Сабр косам тўлди, ростини айтсам...

Ю с у ф

Софинч туйғусидир...

Зулайҳо

Ҳақсан, эҳтимол...

Юсуф

Буюринг, маликам!

Зулайҳо

Ниҳоят соғиндим ота уйимни.

Юсуф

Соғиндим мен ҳам! Мен...

Зулайҳо

Йўқ!

Йўқ!!! Ундай бўлса, нега тилинг лол?
Нега индамайсан? Нега... нега, айт!
Иккимиз бу элга бегонамиз-ку?!
Қалбингга қулоқ тут? Мен Зулайҳоман,
Сен ўша Юсуфсан... ҳа, ўша Юсуф,
Тушимда кўрганим!... Илк бор кўрганим
Оқ-ойдин кеча!..

Тортинма, яқин кел!
Мана, бу азим туп дарахтга бир боқ,
Балки, у айтади, мен айтолмаган
Сир-асрорни сенга...

Юсуф

Ё Оллоҳ!

Зулайҳо

Шундай!...

Мен ота заминни тарқ этар куним
Боғичиройдаги хурмо шохидан
Қаламча олганим эсимда, аммо...

Ю с у ф

Англадим, маликам, эзгу ният, бу!

З у л а й ҳ о

Йўқ! Йўқ, ишонмайман англағанингга...

Ю с у ф

Афв этинг, маликам!

З у л а й ҳ о

Бир гап айтарга
Ҳожат борми?.. Ўшандан бери
Етти йил ўтди-ку, етти кун эмас,
Мевадан дарак йўқ, афсус, минг афсус!
Нечоғлиқ азим туп дараҳт бўлса ҳам!
Кўнгил деган нарса билганга шундай...

Ю с у ф

Кўнгилми?

З у л а й ҳ о

Ха, кўнгил!

Ю с у ф

Кўнглим қордай оқ,
Нурдай тиник...

З у л а й ҳ о

Мен-чи, мен?

Ю с у ф

Сиз ўша нотавон, гариб кўнгилнинг
Олис юлдузи...

З у л а й ҳ о

Йўқ!

Мен ёнингдаман,
Сезмайсан, нечун?
Кундузим қоронғу, тунларим нотинч,
Юрагим безовта, бетоқат, бежо...
Тонготар уйқудан чўчиб уйғондим,
Бўлмағур туш кўриб...

Ю с у ф

Оллоҳ ёр бўлсин!

З у л а й ҳ о

Унутай десам ҳам унугомадим,
Тушимда оқ кишиш териб юрибман...
Яхшиликка йўйдим,
йўйдим ёмғирга...
Эътиroz билдири дугонам менга:
— Бахтсизлик белгиси,
ташвиш белгиси!..
Мен жуда қўрқяпман...
соғлиғинг қалай?

Ю с у ф

Маликам,
шарт эмас такрорлаш тушни,
Ўнг келса ажабмас,
ният холисдир!
Яхшиликка йўйинг!

З у л а й ҳ о

Ҳа, сен айтгандай,
Кўрган тушни, энди, такрорламайман.
Лекин, бир неча бор сендан ўтиндим,
Яна ўтинаман,
маликам, дема!

Ю с у ф

Яхши,
хўп бўлади, маликам...

З у л а й ҳ о

Яна!
Яна, шу!.. Унутма, яна илтимос,
Ялакат мағиздай битта жонмиз-ку,
Севги оламида на шоҳ,
на гадо!
Яқинроқ кел, Юсуф!.. Ухлай олмадим,
Гёё ажириққа ағанаб чиқдим,
Худо билар, қандай турқи атворим?!

Ю с у ф

Рангингиз қочганроқ одатдагидан!
Мисоли тонготар кўринган ойдек...
Оқ булат сингари оппоқсиз,
худди —
Тун хуснин ўзисиз —
гўзал, фусункор!..
Шундай тиниқсизки, тиниқ осмоннинг
Тиниклиқ нурига сингиб кеттудай...

З у л а й ҳ о

Йўқ!
Йўқ!.. Мен шундаман, жоним,
жонгинам,
Сенинг ёнингдаман,
кел,
яқинроқ кел!...

Ю с у ф

Йўқ!
Унутманг асло,
аҳли фуқаро —

Кунга яқин борса куйиб кетади!

З у л а й ҳ о

Начора!

Мен бунда бир ўзим танҳо
Куяётганга нақ ўхшайман ўтда!

Ю с у ф

Само жисмлари ёнса, мабодо,
Оlam чеҳрасига ёруғлик сочар...
Аммо, ёнса борми,

тирик вужудлар –
Улардан кул қолар,
фақат кул қолар...

З у л а й ҳ о

Сени қийнаб юрган шу экан, билсам...
Бас,

етар, жонгинам,
сафсаталаринг!

Жонимга тегди-ку фалсафаларинг!
Билиб қўй, билмасанг, ёнишларимни...
Ҳайҳот!

Ҳазилакам ёнаётганим йўқ!
Гулхан ўтидаман! Ўт-ла ўйнашма,
Менинг ўзим ўтман,

юрагим ҳам ўт!
Мени адаштирма!

Ўзинг адашма!!!

Эвоҳ!

Сув сепгудай ўгли бағримга,
Яқинроқ кел, жоним, тортинма, ҳатто,
Номусу ҳаёдан,

шармисорликдан!

Менга деса, бу ер ёрилмайдими,
Куллари кўкларга соврилмайдими?!
Уфқ ёнса-ёнсин, майли, уятдан!
Куёш эслатгандай кесилган бошни

Шафақлар қонимдан қизарса,
майли,
Барибир севаман,
севаман сени!

Н о ф ур (ўзи ўзига)

Севаман сени?!

Дараҳт панасида бадният Нофур
Зулайҳо севгисин таъқиб этарди...
Қўйган қадамидан топгудай қусур
Йўлига минг қозиқ қоқиб ўтарди...

Ю с у ф

Маликам!

З у л а й ҳ о

Йўқ! Тақдир берди-ку қўлга
Эркимни...

Ю с у ф

Эрк эмас, эҳтирос!...

З у л а й ҳ о

Тақдир!

Ю с у ф

Тақдир йироқда-ку!

З у л а й ҳ о

Шундайдир, балки!
Менга деса, битта найзагинамас,
Қирқ бир найза тешиб ўтмасми, уни?!
Менга нима,
менга!

Мен тирик жонман!

Мұҳаббатим тирик!
Вужудум тирик!

Н о ф у р (ўзи ўзига)

Ҳали мен тирик,
саркарда тирик!

Ю с у ф

Ағв этинг, маликам,
гүзәл маликам,
Тириклар ўлигу, ўликлар тирик!
Улар руҳи
яшар қон-қонимизда!
Минг бир жонимизда,
виждонимизда!
Виждон нима ўзи?
Виждон аждодлар —
Ишончи!
Масъулмиз уни оқлашга!

З у л а й ҳ о

Эҳ-ҳа!.. Сен күркөңсан,
билиардим буни!
Муздан ҳам совуқсан...
илондан баттар!
Арчадай ўртаниб ёнаёттан шу —
Вужудимни тешиб ўтган пўлатдан,
Метиндан,
зирҳдан ҳам совуқсан...
ёху!

Кул қилдинг,
ер қилдинг,
ёниб тугадим,
Эҳтиросдан учқун қолмади қалбда!
Мен ҳам энди сендей тўнғиган музман,
Совуқман!.. Мана, кўр,
Багри тош,
қаттол!

Кўйлакларим чок-чок...
 уятдан қўрқмай,
Қошингда турибман, раҳминг келмайди!..
Мана, йиртаяпман,
 яна,
 ҳа, яна!!!
Кўрдингми?!

Ю с у ф

Маликам, не қиляпсиз?

З у л а й ҳ о

Нима қиляпман?! Кўриб қўй ўзинг!
Нофур пайдо бўлди дараҳт ортидан,
Туҳмат, маломатлар яrim-ёртидан...

Н о ф у р

Нима қилиб қўйдинг, абллаҳ,
 кулбачча!
Ҳой, одамлар!
 Ким бор?
Маликамизнинг,
Мана шу, лаънати, уйини бузган!
Эрини,
 ўзини,
 хатто имонин —
Ҳамма-ҳаммасини йўлдан урган шу!!!

Ҳали, зум ўтмасдан юзлаб оломон
Тўпланди гўёки фитнадан огоҳ...
Тўлқин юзидаги кўпикларсимон
Ёлғон-яшиқ гаплар тарқалди ногоҳ:

- Нима гап?
- Ҳақорат этганмиш ўз маликаси...
- Ким?
- Ким бўларди, ўша қулбачча...

— Ўша Юсуф-да!

Бегона кўзлардан ҳадиксирамай,
Зулайҳо дод солар... уст-бош дабдала...
Юсуф дами ичда турар индамай,
Гўл эмас, донога чигал масала!...
Баъзилар ҳанг манг, баъзилар хушнуд,
Қиёмат-қоимга томошибиндай...
Англай деса, ақлин тўсандай булут,
Гоҳ кулгу кўринса,
гоҳ жиддий,
чиндай!..

Юсуф нима қилсин?!

Юсуф руҳи танг!
Қалбин парчалади маломат тоши...
Туйғулар туғёнда,
асаблар таранг,
Бу,
сирли савдодан қотди-ку боши!
Лекин, Нофур бунда ҳамиша ҳүшёр,
Ҳамиша Юсуфнинг қирқарди пайин.
Халойиқ олдида этиб шармисор,
Гўё жазосини қиларди тайин...

Нофур

Эй, Худованди карим, осий бандангта
Раҳминг келсин! ...Энди сув лойқаси
юзага қалқди.
Ҳамма-ҳаммасига, шу Юсуф айбдор!
Зулайҳони йўлдан урган жодугар шу!
Мана, исботи! Буни бир умрлик ётар жойи —
Зиндан!

Зулайҳо

Йўқ! Йўқ!! Йўқ!!!

Ошиқни адo қилди-ку, маломат!
Ақлимдан жудо қилди-ку, маломат!

Ю с у ф

Тұхмат уйидан тош отиб кўксимга,
Дилимни яро қилди-ку, маломат!

З у л а й ҳ о

Найлайин энди, бадномман бамисол,
Шунчалик расво қилди-ку, маломат!

Ю с у ф

Хақ сўзни халққа қандай айтаман,
Юзимни қаро қилди-ку, маломат!

XI

Чангалзор ичидан ташланғандай шер,
Чумчуқни мўлжалга олғандай калхат,
Уйга кириб келди, босганича тер,
Ховриқиб,
ошиқиб,
бебурд,
бетоқат —

Бир тўда аъёну қозикалонлар,
Дафдаға соларди амру фармонлар...

Яна ишга тушади даъвоту қалам,
Қозикалон тили яна бир қарич,
Гуноҳсиз бандага ичирап қасам,
Ичмаса, бошида синарди қилич...
Жарима ҳеч гапмас, лак-лак молу мулк,
Уй-жой мусодара қилинар ҳатто...
Адолат ва шафқат эшиклари берк,
Ҳақдан ҳақ сўрасант, чиқмасди садо!
Малика кўринмас, аммо иззати
Ҳамон барқарордир Юсуф баҳтига.
Ҳолбуки, хатарли йигит қисмати,
Қасам ичирдилар худо ҳаққига!
Бирор қораларди,
биров оқларди,

Хукм чиқаарди ҳамма ўзича,
Бирор лаънатласа, бирор ёқларди...
Хиёнат қилганмиш қози сўзича,
Азиз севгисига,

Азиз руҳига,

Ўз маликасининг дард-андуҳига!
Шоҳид керак бўлса, шаҳар тўла у!
Пулга ҳам,
молга ҳам сотиб оласан,
Порага урилган боши пўла-ку...
Сотқин саноғига ҳайрон қоласан!
Бирор ачинарди,

бирор фазабнок!

Энг олий жазога қилинди ҳукм...
Наҳотки, туҳматдан у бўлса ҳалок?!
Наҳотки, адолат қолаверса жим?!
Юсуф Зулайҳони севарди жондан,
Лекин хиёнатдан тиярди ўзин,
Жондан севарди-ю,

кўрқиб имондан

Тилсиздай айттолмас эди қалб сўзин.





УЧИНЧИ БОБ



I

Тимсоҳлар макони —
қора оролда
Юргта даҳшат солиб турарди зиндан.
Бир вақтлар кўрарди Юсуф хаёлда
Энди ўз уйидай ўнгига аён...
Вақт ўтар бепарво,
борлиқдан нари,
Чекинаётгандай узлат тубига!
Бемордай судралиб, елдай сарсари —
Итилар асрлар аср уфқига...
Фиръавн тож кийди Юсуф ўлимга
Хукм қилинган кун —
ӯша машъум кун...
Бахт кулиб,
илинди афви умумга —
Зинданнинг зимидан берилди ўрин.
Шукур қилас эди бунга ҳам ...
оининг
Ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ!
Писанд қилмас эди зиндандай жойни,
Зотан,
юрагида юлдузи ёник...
Зиндан ичи тундай,
узлуксиз тундай,
Занжир шилдираши янгарди фақат,
Одамлар сиёқи қоп-қора мумдай,
Бўғиқ товушларда бордай бир тоқат.
Бу ерга тушдингми, ўла-ўлгунча
Азоб-уқубатда умринг ўтади.
ЭвоЖ!
Сабр косанг тошиб тўлгунча
Зулмат аждаҳоси сени ютади!

На аянч,
на умид,
на алдов,
на дўқ,
На бир ёлбориш-ла қисқармас муддат!
Бағрингни поралаб ўтса олчоқ ўқ,
Эҳтимол, шу ўзи олий бир ҳиммат!
Ҳамманинг ҳуқуқи бунда баробар,
Қисмати қарғалган кексами-ёшми?!
Имонини ютган серпул савдогар,
Қўлин тиёлмаган, юраги тошми?!
Фарзандлик бурчини унутган ўғил,
Ҳису туйғулардан йироқ, дилозор,
Қарзин тўлолмаган бечора қарздор,
Сўзамол, ёлғончи, карми ё сўқир,
Омади келмаган руҳонийгача,
Муттаҳам, текинхўр, товламачи ҳам,
Панд берган саройнинг аъёнигача,
Ҳаммаси — ҳаммаси ётар жамулжам...
Хайҳот!

Сув тагига чўккан лойқадай!..
Инсонликдан олис, маҳлуқ мисоли...
Ҳеч ким хоҳиши-ла келмаган атай,
Лекин кетишга ҳам йўқдай мажоли...
Ўз тақдирига тан бергандай Юсуф
Тишни тишга қўйиб, сақларди сукут,
Яхши соатларни соғиниб, кутиб,
Кўз тутар,

кошкийди, тарқаса булут?!

Қон-қақшаган қунин эслаб кетди у,
Оғалар қўлида ўлай деганин...
Кошки, яширолса ундаги туйfy,
Маломат тагида калтак еганин!..
Начора! Ўхшайди бир-бирига,
Энди, бу кудуқмас,

кудуқдан баттар!

Кошки, кўнниколса зиндан тилига,
Фарқи йўқ Юсуфга, қундузми-саҳар...
Жаҳаннам тубида ҳис қилар ўзин,
Ўзга кулфатига бўлғандай шерик.
Ўзгадан аямас эди дил сўзин,
Ўзи-ўзин билмас ўликми-тирик?!

Ҳасратин айтмасди ҳеч кимга,
аммо,
Ўзганинг андуҳи эртами ё кеч
Юрак-юрагига ботарди, гўё
Кинига киргандай дарғазаб қилич...
Ўзганинг дардини эшитдими, бас!
Унга ҳамдард,
ҳамдўст бўлиб қоларди...

Бағрини очарди мисоли қафас,
Жонига жон ила қулоқ соларди.
Ҳамма нарса унинг дил кўзгусида
Парпирар,

ярқирар қоқкудай қанот...
Тортуб кўрарди у ақл тарозусида
Қайси бири вазмин —
ҳаётми, мамот?!

Юсуфнинг тушига кирди Зулайҳо,
Бу қандай бадбаҳтлик!

Қандай бир даҳшат!!!

Бағрида жон бериб ётганмиш, эвоҳ,
Ўнгида босмаса уни фалокат!
Муҳаббат дунёдан ўтдими, наҳот?!
Мангуга сўндими оловли туйғу,
Меҳру оқибатта борми бир нажот,
Ё унга насибми фақат дард, қайғу?!
Юсуф ўз тушини ўзи ечолмас,
Зиндоннинг қаърида ҳайрондир, ҳайрон!
Тушига муносиб бир тўн бичолмас,
Ўтган кунлар, энди, армондир, армон!
Эҳтимол, туш деган, ҳаёт белгиси,
Инсон тақдирининг рамзи акс этар...
Йифи деб билганинг, юрак кулгуси,
Воқеа устма-уст қалашиб ўтар...
Барини кузатиб улгуролмайсан,
Ҳаммаси сифмайди хотирангга ҳам!
Кемтик ери бўлса, тўлдиролмайсан,
Ёлқин бермагандай тушда ёнган шам!

Бир кун кириб келди Юсуф қошига
Тинкаси қуриган қоқсуюк бир чол.
Ўзи ишонмасди ўзин ёшига,
Асаби қақшаган, бемадор, беҳол...

Аммо, рұған тетик күринарди у,
Үзини тутарди баркамол, бардам.
Холбуки, мусибат, азоб ва қайфу
Кабр тоши каби босиб тұрса ҳам!

Чод

Дерлар, туш таъбириң айтар эмишсан,
Фаройиб бир рүё күрдим бу кеча.
Ақлим бовар қымас, нима экан у,
Күмагингга мұхтож бўлиб келдим мен!..

ЮсyФ

Ё раббим!

Таъбир бу, ҳамиша қалтис,
Тингламоққа сабру ирода керак!

Чол сўзи туйғуга туртгудай бўлиб,
Юсуфнинг кўнглига солди ҳаяжон.
Бир нафас хаёлга кетди кўмилиб,
Қалбда уйғонгандай мудраган армон...

Ч о л

Түш күрдим...

тушимда борар эмишман
Мурдалар шахрида тобут оралаб.
Ногох күриб колдим.

менинг йўлимда
Пайдо бўлган каби бир қора нарса...
Якін бордим унга...

күмилмай қолган —
Бир одам ўлиги ётарди шунда!
Менда на бир кўркув,
на жирканч,
ҳазар!

Гүё ўша мурда ўзим эмишман...

Бу, қандай ҳол, эвоҳ!

Тангрига аён...

Қанот товушларин янгратди бирдан,
Боқсам, оқ кабутар бир учеб күнди –

Бояги ўликнинг устига...
аммо,
Уйғонсам туш экан,
чўчишим,
қўрқдим,
Суратдек ўрнашиб қолди ҳаёлга,
Унутай десам ҳам унугомайман!

Юсуф пайқар эди чол авзоидан,
Сўнгти мадори ҳам қуриб битарди...
Қимир этмаганча турган жойидан,
Мангалик кўлига шўнғиб кетарди...
Аммо, вужудида яшарди ҳамон
Сабру бардош, умид, ишонч туйғуси...
Ёшлик бахтсиз ўтган,
кексалик —
армон,
Дунёни туттудай дарду қайғуси...

Ю с у ф

Жуда ажойиб туш кўрибсиз, отам,
Унинг таъбирига ҳожат йўқ,
балки,
Эрта-индин зиндан қаъридан
Эркин қущдай парвоз қилиб кетасиз!

Чолнинг кўзларида ярқ этди зиё,
Илк бор эшигилди бундай хушхабар.
Суюниб кетгандан чиқмасди садо,
Бир нафас Юсуфдан узмасди назар.

Чолга Юсуф гўё кўринди хизр,
Энди зиндан эмас, элга овоза...
Юргта ошкор бўлди қуввати таъбир,
Бемаҳал ўқилди, лекин, жаноза.
Ҳайҳот! Юлдуз кўрмай жон берди-ку чол,
Севинч сифмагандай ўксик қалбига!
Зинданни тарқ этмай, тугади мажол,
Юсуф сув томизди чанқоқ лабига...

II

Таъбиркорлик эса ноёб фазилат,
Гарчи, таъбирнинг йўқ сону саноғи...
Лекин, тан олишга лойиқ бир хислат,
Ҳар қалай, кўнгилнинг ёниқ чароги...
Шахсан йўқлатганмиш Фиръавн ўзи
Ташриф буюрсин деб, Юсуфни тахтга!
Қувончдан бемаҳал тинганмиш кўзи,
Рўпарў келгандан анвойи бахтга...

Афсус!

Ҳали ҳеч ким аниқ ва таниқ
Айтиб беролмаган истиқбол сирин,
Баъзан тўғри келган тахмин, тасодиф,
Баъзан сирлигича қолган яширин!
Баъзан қон-қон йиглаб, тўкамиз кўз-ёш...
Инсон тақдири —

бу, наҳотки, беланд,
Фараз этилган бир тушга эгса бош?!
Наҳотки, осмонга оғзини очган,
Сўнган,

кўҳна вулқон ўрни бўлса, у?
Кимки, уруғ сочса, умид-ла сочган...
Наҳотки, унмаса дилдаги орзу?!
Ўз тақдирин ўзи яратар одам,
Эртанги кун уфқи кўз қароғида...
Хатарда тургандай парпираган шам,
Диёнат ҳамиша вақт синоғида...
Ва лекин, синоғда адашмасанг, бас!
Саволга ўрин йўқ, беш қўлдай аён:
Бир ёнда ҳақгўйлик....

бир ёнда ғараз
Йўлчининг йўлига қўйгудай қопқон...
Мабодо, адашсанг, кўрқма,

дадил бўл,

Ортга бок,
ортингда чуваланган из
Аччик тажрибадай, балки, келар қўл,
Дараҳт тупига куч бергандай илдиз...
Ортга кесак отма,
қақшатиб қўйма,

У, ҳали, кунингта ярайди, ярап!
(Менинг ҳавасимни ҳасадга йўйма...)
Сенга,

иқболингта ишонч-ла қарап...
Ўтмиш ва келажак бир бутун тошдай,
Бири иккинчисин этолмас инкор.
Келажаксиз ўтмиш вужудсиз бошдай,
Ўтмишсиз келажак беҳуда,

бекор!

Ҳали баҳс бошланмай тугади гёё,
Ўринли бўлдими сўроқҳа жавоб?!
Зулматли йўлларга тушдими зиё,
Ташнага кўринган сувми ё сароб?!
Олис-олисликлар йўлчига аён,
Аммо,

оёқ остин кўрмас шабкўрдай...
Ўз тақдирин ўзи фаҳм этмас инсон
Ўзга тақдирига келганда, зўрдай!
Ҳолбуки, ўйиндай кўринар ҳаёт,
Кўз олдида пайдо бўлмиш бир чизик...
Йўл деса, йўл эмас, сола олмас от,
Нигоҳини туман босгандай...

қизик!

Кўзгу хираланаар...
кўрқинч ва умид...

Тиник кўринмайди ўзига-ўзи!
Бахтми ё бадбахтлик?!

Бир-бирига зид,
Кошкийди, ярқ этса тасодиф кўзи...
О, олтин тасодиф!

Эпчилга эпсан,
Юлдузни бенарвон ургандай бирор...
Беҳаё,

бедаво аёлга сепсан,
Қиморбоз ютгандай байлашиб гаров!
Бирор кўлдан ишни олишга уста,
Бошқа бирор эса оғзингдан ошни!
Доғули товланар минг турли тусда,
Шахсият йўлида егудай бошни!
Терандай кўринса саёз бир кудук
Наҳотки, фаҳмига етмас тафаккур!
Ёқа ушламасдан, нетай!

Мунофиқ —

Ўпич бериб, яна айтса, ташаккур?!

Замон тақдирида ажаб саволлар,
Ва ажаб ғавғолар беҳисоб жуда...
Таъбирга муҳтождай талай рўёлар,
Кафтнинг чизигига боқма, беҳуда!
О, Фиръян туш кўрмиш...

шартми, ўкувчим,

Яна узр айтиш,
яна ўтиниш!..

Хижолатдан пишиб кетди-ку ичим,
Наҳотки,

ўтмишга яна тупуриш!

Аста-секин бари бўлади аниқ,
Бариси тушади жойи-жойига.

Тугуллар ечилар,
ташбиҳлар ёниқ,

Жаҳолат йиқилар идрок пойига...

Баъзи бир изоҳлар,
иловалар ҳам,

Яна керак бўлса, топилар балки...
Қофия дедингми, фарам ва фарам,
Ва лекин, ўринсиз ишлатсанг,

кулки!

Ҳасад косасидан ичгандай оғу
Шуҳрат оловида куйса ким, ҳамон,
Тарих сабоғидан бебаҳрами, у?
Таажжуб!

Тарихни билмай, нотавон,
Тарихий қаҳрамон бўлгудай ўзи,
Айёрликдан ҳазар қилмай лўқ кўзи!
Мана,

Энди билсанг, қолмади фарқи,
Эски ривоятми ё янги достон?
Балки, бу кунимиз ўтмишнинг шарҳи,
Балки, ташбиҳларда яшарар замон!
Янги сўқмоқлардан елиб бораман,
Яна чорраҳалар,

яна катта йўл!

Янги мэрраларни мўлжал оламан,
Яна ўша ўнгу, яна ўша сўл...
Яна ўша нафрат,
ўша муҳаббат,

Ошику маъшуқлар бошқа бўлса ҳам...
Шоҳ эмасдир,
 балки, соҳиби давлат
Бир имо қилдими, яна жаҳаннам!
Хушрўйдир, эҳтимол,
 бадбашара ё,
Наҳот, инсонлигин эслай олмаса?!

Турмуш ўргаттани шуми, беибо...
Наҳот,
 шум сабоғдан четда қолмаса?!

Ҳаёл жиловини кўйсанг бир нафас,
Яна хотирангта тушар ўша тун —
Ойдинда юз берган қора бир мараз,
Имондан қўрқмаган қабиҳ бир ўйин...
Бунга сен на қўшиб-чата оласан,
Кошки, қила олсанг, салгина таҳрир!
Мабодо, уринсанг, гапга қоласан,
Лекин, инсоғизига этмайди таъсир...
Оға инисини сотса, не ажаб!
Сотиб, бир нималик бўлдими ё йўқ?!

Бундай юзсизликка бўларми чидаб?!

Ҳолбуки,
 панд берар ҳамон дайди ўқ!
Ҳамон такрорланар...
 яна, қайда, денг?
Сир эмас, мағрибу машриққа маълум...
Ҳамёнда ҳамёнча, енг ичида енг,
Ҳайҳот!

Пичоқ берар малъунга малъун!..
Эҳтимол, хулоса янгилик эмас,
Аммо,
 ўйлагандан кўра минг баттар!
Балки, эски ўйин қилинса фараз,
Алданиш ҳеч гапмас,
 ҳазар,
 алҳазар!

Коса тагидаги ним косани ким,
Мабодо, кўрмаса, кўрсин ўзидан!
Фаҳму фаросатсиз туролмаса жим,
Латта иси келар бебурд сўзидан!..
Ҳақли эътиrozлар бесон-бесаноқ,
Мисоллар келтириш мумкин бир талай —

Оға ўз инисин сотса-ю, бирок,
Ўзи гадо қолса, не дейсиз,
қалай?!

III

Фиръавн айшини сурган мамлакат
Овозаси етди етти иқлимга...
Ўзин буюк билган аркони давлат
Тамаки тополмай қолди чилимга!
Юргдан юз ўғирди файзу барака,
Қўри қут қолмади омборларда ҳам...
Салтанат томидан ўтгандай чакка
Кечаю кундузи чакилларди ғам...
Кун сайин,

йил сайин кетарди пугур,
Серҳосил далалар ётар ҳувиллаб.
Гўзал табиатнинг юзида чўтири,
Тоғу тош йиртқичдай тураг увиллаб...
Тўқчилик,

мўлчилик элнинг кўзидан
Ўзини яширди тансиқ тутгандай.
Ҳарорат туйгуси қочиб юзидан,
Совуқ бир аждаҳо уни ютгандай...
Фиръавн бошида омонатдай тож,
Ёху! Нон ўрнинга кесак фириллар...
Тобора ошарди солиқ ила бож,
Кимнидир кўрса, ким, итдай ириллар...
Дон-дун эвазига метину мармар,
Нодир нақшин ёғоч, шоҳи ва гилам,
Ноёб зеби зийнат, ёқут, кумуш-зар,
Ялмоғиз оғзини очгандай ҳарам...
Фиръавн сўрарди оламнинг ярмин,
Яна ярмин олиш —

асрий бир армон...
Бир тотиб кўрди-ю, истило таъмин,
Тинмади,

даҳага кирган қуртсимон.
Жаҳонгирлик ўти куйдирди уни,
Ўзи ҳам айрилди бори йўғидан...
Ўзга тупроқларга тушди учкуни
Аланга олгандай уруш чўғидан.

Фалаба устига фалаба қилди,
Баъзан ҳориб қайтди оғир жанглардан.
Баъзан гангид қолди,
баъзан сиқилди
Ёруғлиқ кутгандаи нурсиз тонглардан.
Шаҳар эса қамал...

ҳалқа ичида,
Халос этай деса, тополмас йўлин...
Азизни эсласа ҳаёт кечида,
Эсига тушади даҳшатли ўлим.
Энди йўқ Фиръавнинг суюнган тоғи,
Эҳтимол, шу боис қўли қисқадай,
Ҳатто, олов бермас ёнса янтоғи!
Ҳолбуки, лашкари қурт-қумурскәдай...
Харжлар ошиб кетди ўйлагандан ҳам,
Даромад куриди курдим дарёдай.

Баҳона бўлса бас,
ҳар кун бир байрам,
Фиръавн ҳис қиласа ўзин Оллодай!
Шўрлик дехқонларни шилдилар яна,
Яна,
яна бугдой!...
Бугдой йўқ аммо!

Воажаб!
Оч уйда, нечун, тантана,
Фиръавн шаънига олқишу дуо...
Бир вақтлар бадавлат бўлган бу ўлка,
Энди, тубанликка тутган каби юз...
Бошида нур эмас, қора кўланка.
Кўлида чўғ, балки, юрагида муз?
Кексалик муҳрини босган ажинлар
Кошки,

пардоз билан бўлса саддипок,
Рангу бўёқлардан ёриса тунлар,
Вайронга юзида жилоланса хок!
Қалбин қиймаларди чархланган ташвиш,
Куруқ сўз қулоққа келарди малол.
Уйма-уй юрарди шумқадам “миш-миш”,
Қоришиб кетгандаи ҳарому ҳалол!
Дабдабалар
ҳамон этарди давом,
Мукофот устига яна мукофот!

Иньомлар устига берилар инъом,
Саройда туну базму зиёфат...

Қизиқчи

Чалинг ногорани така-тум,
Бир товукдан уч тухум, уч тухум...
Бугун хоқонлар куни,
Эрта аўёнлар куни...
Ха-ха, ха-ха...
Ҳар кунимиз ўзи бир байрам,
Ўзи бир байрам...
Ха-ха, ха-ха...

Саркардалар кўкси нишонга тўла,
Тақводор бўйнида зиннор ҳашамдай...
Шуҳратпараст ҳукмдор ўзи бир йўла
Бир сандиқ ёрлиқни тақса ҳам камдай!
Ҳар кун амри фармон, минг-минглаб буйруқ,
Яна дўмбираалар овози баланд.
Сарой аўёнлари ўйнатар қуйруқ,
Фиръавн қошида гўё зўр талант...
Бири лашкарбоши, қиличи қонли,
Бири қозикалон амру фармонли.
Бири лаганбардор вазири аъзам,
Бири кўшк оғаси —
липиллаган шам!..

Деҳқон омочини судрарди ҳамон,
Рангда ранг қолмаган,
қорни эса оч...
Хазина бўшаган, нурсиз бир ошён,
Фақат ялтиради таҳтда олтин тож!
Одамнинг одамча йўқ эди қадри,
Бир нима чиқмасди манфур ҳамёндан...
Бурнига ургандай поранинг атри
Каппа-каппа оғзин очарди тонгдан...
Мансаб курсисида қўнқайган нодон
Пул кўrsa, ўтириб олади бошдан.
Ким билсин,
вижданми ёки жигилдон?

Балои нафс, ҳатто, таф тортмас тошдан!
Катта давлат эди —

катта бир рўзғор!

Бир ёғи бут бўлса, бир ёғи кемтиқ...

Ботмон-ботмон дон-дун,

лекин, нонга зор,

Шону шухратида йўқ эди мантиқ...

Сув келтирган хор-зор, кўза синдириган —

Азиз кўринарди унинг кўзига...

Ўз ризқи рўзини ердан ундириган,

Наҳотки, сифмаса ернинг юзига?!

Бу, қандай разолат,

қандай қабоҳат!

Фиръавн бир чўқиб, ўн қарар, ҳалак...

Юзини ўгириди файзу фароғат,

Наҳотки, тинч оқар Нили муборак!

Асрий дабдабалар гангитди, балки,

Балки, баҳатерак чириди ичдан!

О, Фиръавн кўзлари толиқди,

салқди,

Эҳтимол, қариди —

кетгандай кучдан...

Бироқ бўш келмасди, уринарди у

Пўпанак четига ёпишган хасдай...

Оқизиб кетгудай оқар эди сув,

Фиръавн жонига қилинган қасддай...

Начора! Зўр-базўр нафас олса ҳам,

Эл-юртта зўрлиқдан ўзин тиймасди.

Ўзганинг бошига солган билан фам,

Ўз айшу ишратин кўзи қиймасди!

Фиръавн

Дардимга борми малҳам?

Кўнглимга сифмас қил ҳам!

Найлай!

Каламушдай фам

Емирса,

Кемирса,

Мен найлай!

Мен найлай!!!

Даво топинг, жўралар,

Аъёnlару тўралар,
Ўлсам, сиздан сўралар
Жавоби,
Савоби!..

Май беринг,
май!

Салтанат ташвиши оиди тобора,
Бир қадам кўринди нариги дунё...
Куёш қорайди-ю, тортгандай наъра,
Яширинди уфқ тагига, эвоҳ!
Сарой аза тутди қирқ кеча-кундуз,
Қоронгулик босди гўё ер юзин.
Яна юзланганда душман ўша куз
Зафар мэррасида кўрарди ўзин.

Аммо,
тиtragандай умр рубоби,
Сўнгти кучларини йиққандай сарой
Мархум ҳукмдорга меросхўр,
тобъи

Тахтга чиқди яйраб,
пойлаб, ҳойнаҳой!
Лекин, англай олмас, недан кўнгли фаш,
Ёшлиқдан тушдими давлат ташвиши!
Вужудини гўё ёндирап оташ,
Ифбо,
фисқу фужур — сарой миш-миши!..
Холбуки,
замон ҳам безовта, бетинч!
Бундан қудратлироқ елка бўлса ҳам,
Бу юкни кўтара олмас эди ҳеч!
Истиқбол кўринар эди жаҳаннам!

Кизиқчи

Қора ботир кўзи лўқ,
Пора олганми ё йўқ?
Олган бўлса, олгандир,
Берган бўлса, бергандир,
Мен билмайман,
Сен билмайсан,
У билмайди,
Гулдуру-гуп...

Н о ф ур

Рұхингизга пором келмадими, бу
Байрам нашидаси, олампаноҳим?

Ф и ръавн

Тонготардан, нечун, юрагим бежо,
Бемаъни уйкуда рўй бермиш бу ҳол,
Багримни эзади сирли бир рўё,
Жулдур жумбоқларда
бир минг бир савол...

Н о ф ур

Ромчиларни таклиф этдик, алқисса,
Мунажжиму алломани ҳам...

Я с о в у л (*киради*)

Ромчи келди.

Н о ф ур

Яна ким?

Я с о в у л

Аллома ва мунажжим...

Н о ф ур

Буюринг!

Ф и ръавн

Кирсин!

Р о м ч и

Ҳазрати олийлари бизга не вожиб?

Фиръавн

Барча андуҳ бошланди тушдан,
Мен эмишман дарё бўйида...
Алҳазар!

Сув оқар эмиш тескари,
Бир дараҳт кулғ уриб ўсар қуида,
Яшил барглар аро еллар сарсари...
Қўлим чўзай десам, чўзолмасман ҳеч!
Нима гап?

Тушми бу, ўзим билмасман!
Ўнгимда кўргандек дилимда илинж,
Аммо, жилай десам, жойдан жилмасман!
Бирдан сув чайқалиб, отганмиш тўлқин,
Борлиқни тутганмиш тошқин, тўпалон...
Тимқора бир қўтос шох ташлаб, нечун,
Дарёдан чиққанмиш, боқсан, бир ботмон...
Баҳайбат бўлса ҳам, ниҳоят ювош,
Аста йўртиб борди кўм-кўк ўтлоқقا...
Сип-силиқ сиртида ўйнарди қуёш,
Бирин-кетин чиқди яна қирғоқца –
Етти қўтос шундай! Кўзни олгудай –
Ҳар бири бақувват, етилган, ҳирсдай...
Кетгуси келмасди, мангү қолгудай
Шу она тупроқда...
қанақа сир бу?

Ромчи

Майли, айтаверинг, яна не бўлди?

Фиръавн

Яна пайдо бўлди мудҳиш бир маҳлук!
Кошкийди, англолсам, кўзимда кўркув.
Беўхшов бир вужуд,

дум эса юлуқ...

Соҳилни топтарди, бир ўт қўймасди,
Лекин, еган билан сира тўймасди...
Ноҳуш кўринарди Нилнинг жамоли!
Наҳотки, узлатта чекинган толе?!
Водариф!

Ҳайратдан ёқа йиртгудай!
Дарё чайқалади, титрар арз-само...
Бир боқсам,
қирғоқда чиқиб йүртгудай
Дарёнинг тубидан яна бир бало...
Бирининг ортидан яна бириси –
Югуриб-сларди тўлқинни ёриб...
Суякка ёпишган эди териси,
Нилнинг таг-тагида очиқиб,
ҳориб...

Хайҳот!

Тоқати тоқ, чайқалар дарё...
Яна бешик-бешик түлқинлар аро
Бир жуфт жаңгари шоқ чалинди күзга,
Буниси нақ ўзга!

Сүяклари қоқ,
Оёқлари ҳаддан ташқари ориқ...
Яна бири чиқди йириб чатаноқ
Аввалгидан —
ўлса.

Бариси бир бўлиб, шоҳ ташлади-ю,
Семиз қўтосларни ғажиди дарҳол!
Қанча еса, шунча юқмасди, ёху!
Тобора қакшарди бехол, bemажол!..

Фиръавн лабини тишлаб бетоқат
Ромчининг кўзига тикарди кўзин,
Топгандай таъбири тушдан ҳаловат,
Жон қулоғи билан илгудай сўзин.

Ромчи

Ҳазрати олийлари, хайрли бу туш,
Етти соғибжамол, бари баркамол,
Сизга маҳтал эмиш, сизга ёр эмиш...
Йўлингизда зору интизор эмиш,
Тахтингиз, баҳтингиз барқарор эмиш...

Фиръавн кетгудай бўлиб ўзидан,
Деди: ёлғончи бу, йўқолсин дарҳол!
Ромчилар келарди ромчи изидан,
Аммо, жавобини топмасди савол.

Мунахжим

Олампаноҳ! О, муҳтарам зот!!!
Етти қўтос, бу, етти юлдуз...
Ҳар бириси кечаю кундуз
Сизни айлар ёд...
Етти юлдуз етти давлатдир,
Етти давлат етти жаннатдир,
Эшиклари ланг очиқ сизга!

Фиръавн

Бас қил! Мен тирикман, жаннат не ҳожат?!

Аллома

Етти қўтос етти илмдир,
Еттисининг бағри тилимдир...
Сиз давосиз, айқирган сойсиз,
Элу юртта қуёшсиз, ойсиз,
Шуҳратингиз, дабдабангиз зўр,
Минг афсуски, пешонангиз шўр!

Фиръавн

— Ўчир овозингни, кет, кўзимдан нари!!!

Ҳамон ҳукмдорнинг қўнгли эди фаш,
Гоҳи-гоҳ бош чайқаб қўярди, холос!
— Йўқ! — дерди, — ҳамма гап сохта ё чалкаш,
Қалбда қолмагандай заррача ихлос...
Ҳамон кўрган туши гўёки синоқ,
Вужудини даҳшат босаётгандай!..
Хона хираланаар,
хәёли тарқоқ,
Ўз ақлидан ўзи озаётгандай...
Бирдан эслаб қолди бевақт, начора?!

Фиръавн

Юсуф қайда? Юсуфни топинг!

Н о ф у р

Юсуф зиндонда...

Ф и р ъ а в н

Юсуф зиндонда?!

Нега мен билмайман!...

Қ изиқчи

Нега, мен билмайман, нега, сен билмайсан,
Нега, у билмайди?.. Гулдур-гуп!

Ф и р ъ а в н

Қандай гап? Азиз фожиаси етмаганидай!..
Малика қайда?

Н о ф у р

Тилим айланмайди, олампаноҳим...

Ф и р ъ а в н

Айтавер, мўйсафиид!

Н о ф у р

Ўзин йўқотгандай телба-тескари...

Я с о в у л (киради)

Чопар келди.

Ф и р ъ а в н

Кирсин!

Ч о п а р

Ассалом-алайкум, ҳазрати олийлари,
Рухсат этинг, рухсат...

Фиръавн

Хўш, гапир!

Чопар

Шимол ўрамида яна тўполон,
Бадавийлар кўтармиш исён...

Фиръавн

Фалокат устига яна фалокат!

Нофур

Ё раббим!

Она (киради)

Чолим ўлди зинданда,
Қалбим эса түғёнда,
Қирғинбарон майдонда
Фарзандимдан айрилдим,
Гул баргидай қайрилдим.

Дод замоннинг дастидан,
Золимларнинг қасидан,
Йўлнинг баланд-пастидан,
Гул баргидай қайрилдим,
Шунқоримдан айрилдим...

Фиръавн

Ким бу?

Она

Менми? Мен онаман, онаи зорман,
Танимадингми?! Наҳотки, унутган бўлсанг
Она зотини? Водари!
Сенинг ҳам онанг бордир, балки бўлгандир?
Онасиз тирик жон борми?
Ҳар бир сулоланинг манбаи она! Ҳар бир
Қабиланинг манбаи она!.. Она —дарё боши,

Фиръавн (*Нофурга*)

Хүш, гапир!.. Сен нима дейсан?

Ноғұр

Бунга эри айбдор! Исёнкор, бебош жигаргүшаси айбдор!

Она

Йўқ! Йўқ, қулоқ сол она сўзига,
Ироданг етса гар, тикил кўзига!
Бу кўзларда кўрасан аён:
Дўзаху жаннатни айни бир замон!
Қайси бири маъкул?

Күзларимга бок!..
Нега индамайсан, тангрига сифин,
Тангрига ёлбор, балки, у кечиргай
гуножларингни,
мабодо, мен нотавон, ке яролмасам!

Н о ф ур

Етар, бас! Олиб чиқинг онани, зинданга ташланг!

О на

Зиндан? Яна зинданми?! Онага мушт
кўтардингми,
Аблаҳ!.. Демак, замон охир бўлибди-да!..

Мана, мен кетдим...
Дод замоннинг дастидан,
Золимларнинг қасдидан,
Йўлнинг баланд-пастидан,
Шунқоримдан айрилдим,
Гул баргидай қайрилдим!..

IV

Юсуфни зиндандан, сўраб, топдилар,
Зулмат азобидан этилди халос...
Саройга югуриб, елиб, чопдилар,
Тутқунга берилди олий имтиёз...
Фиръавн қошида бўлди-ю, пайдо
Кўнглида сезмади ҳеч қандай кўрку.
Ясанган бир гўдак ўлтираг гўё,
Тушидан юзида машъум бир туйфу...
Тожи таҳтиши тушиб бошига,
Ҳали кўнишиб ҳам ултурганча йўқ.
Довдираб серҳашам давлат қошида,
Балки, бўлиб қолган бемаҳал дудуқ...
Оғир хаёллардан қийналар эди,
Ўзи ўз юрагин қиймалар эди...

Ф и ръ а в н

Туш таъбирин сендан яхши билгувчи,
Яхши таъбирловчи йўқ эмиш, билсам...

Ю с у ф

Балки, ундај эмас, давлатпеноҳим,

Туш таъбири маҳол...
Эҳтимол, қалтис!..

Фиръавн

Алҳазар!
Ваҳийдан хабаринг борми,
Менга нени раво кўрмишдир тангрим?
Юсуф

Ҳа!

Фиръавн

Фаройиб тушнинг таъбири қандай?

Юсуф

Тушни, ҳазратим, ўзлари кўрган!

Фиръавн

Йўқ! Гап бунда эмас... бу тушда бирон
Сиру асрор йўқми?

Юсуф

Эҳтимол, бордир...

Фиръавн

“Эҳтимол” деган сўз менга бегона!
Мен ёруғ дунёга келибманки, то
Имон келтиридилар —
“албатта”,
“сўзсиз!”

Қани,
айт-чи,
қандай тушим таъбири?

Менга тинчлик бермас бу ҳол,
бу ҳолат!
Балки,
бунда бордир сир ила асрор...

Қизиқчи

Яшасину яшасин,
Сувга ўзин ташасин,
Туш таъбири чўзилса,
Таҳорати бузилса,
Ва-ҳа, ва-ҳа, ва-ҳа...

Фиръавн

Кет, аҳмоқ!

Қизиқчи

Аҳмоқча тўқмоқ...

Юсуф

Ё раббим! О, замин тангриси, сизга,
Юксакдан келибдир эзгу бир ваҳий...
Жумлаи мўминнинг тортган дард,
оҳи...

Бир ёнда тубанлик, бир ёнда қоя,
Бир ёнда ёруғлик, бир ёнда соя,
Бир ёнда хор-зорлик, бир ёнда зўрлик,
Бир ёнда “манманлик”, бир ёнда хўрлик
Гўё бир варакнинг икки саҳфаси,
Лекин, қақшатгудай бири-бирини...
Етти қўтос Сизга атойи худо,
Етти йил маъсудлик,

тўқлиқ,

тўкинлик,

Ва яна етти йил бўлғуси қурғоқ,
Бору йўқни очлик ғажиб, битиргай!
Зотан, тадбиркорлик зарур, ҳазратим,
Фаллани ғамлашга омборлар лозим!
Мабодо, бор доннинг учдан бирини —
Ёмон кунга сақлаб қолдирсангиз гар,
Дард берган худойим, бергай даво ҳам!

Фиръавн

Кул бўлсанг ҳам, лекин оқил экансан!
Таъбириңг кўнглимга кўп келди маъкул.

Тила тилагингни, берай, донишманд!

Ю с у ф

Тилагим омонлик,
тўқлик,
ҳалоллик!..

Тұхматчини тили кесилсін,
Иғвогарни ҳам!

Н о ф у р

Энди, Фиръавн ҳазрат олийлари,
Мұхим бир масалани ҳал қыммоқ, сизга,
Хавола! Ё Юсуф, ё Нофур?

Ю с у ф

Ё раббим!

Ф и ръ а в н

Начора! Нофур қариди...
Сен эса ўрнига манзур, муносиб!

Ю с у ф

Наҳотки, бир қулға шунча марҳамат?

Ф и ръ а в н

Донолигинг шуни этади даъват...

V

Фиръавн ёшлигига бориб, эҳтимол,
Күлни ўз бошига кўтарар, билмай?..
Балки, элу юртни сўрар бемалол,
Оқсуяк зотини назарга илмай...
Яна пичир-пичир ҳар жой-ҳар жойда,
Сардору амалдор бетинч, беомон:
“Бу қандай ҳақорат!”

Яна саройда

Хусумат уруғи унди ногаҳон...

Шу лаҳза,

шу соат,

шу кундан бошлаб

Хорижга дон сотиш этилди тақиқ!

Бу хабар дилларни тимдалаб, ғашлаб,

Исён кўтармаслик бўлса ҳам аниқ —

Бўйин товламоққа олиб боргудай...

Низоли бир ҳолат юз берди, эвоҳ!

Эҳтиёт бўлмаса, бошни ёргудай,

Бемавруд фармондан эл эса огоҳ...

Бирин-сирин ўтди серҳосил фасл,

Фиръавиннинг етти қўтоси мисол.

Минглаб омборларнинг бағри муттасил

Дон билан тўларди лиммо-лим, алҳол...

Юсуф событ турди...

бошпана курди,

Чекинди, ниҳоят, юз берган оғат!..

Шумликни идрок-ла орқага сурди

Элу юрт бошига тушганда кулфат...

Бу йил эса баҳор ёмғирсиз, қурғоқ,

Дарддан қутулмоққа йўқ эди илож...

Нил сувин ютоқиб ялади қирғоқ,

Ташна лабдай намга сезди эҳтиёж!

Тупроқда унмади қиттай экин-ўт,

Куёш олов сочди кўқдан беаёв,

Ер чанқоқ — ҳаллослар, дарахт шохи мўрт,

Донга тўла омбор тўқликка гаров...

Жарчи

Ҳой одамлар, одамлар,

Тоғда биттан бодомлар,

Эшигмадим деманглар,

Эшигтанлар жилманглар:

Иғвогарнинг тили кесилсин,

Тұхматчининг ҳам,

айғоқчининг ҳам!..

Үғриларнинг қўли чопилсин,

Пораҳўрлар дарҳол топилсин!

Фоҳишабоз осилсин дорга,

Фоҳишалар кўмилсин горга!..

Гиёвонлар, бангилар ҳам,
Мансабнараст ҳангилар ҳам!
Хой, одамлар, одамлар,
Тоғда битган бодомлар,
Эшитмадим деманглар,
Эшитганлар жилманглар:
Фиръавн ҳазрати олийлари муҳрин босиб,
Эълон қилмиш амри фармойиш, яни Юсуф
Жаноблари...

Хушхабар янгарди бозор-кўйларда,
Элату элларда, ундан ҳам нари...
“Миш-миш”лар тарқалди аза, тўйларда,
Юсуф учун тушдай гап эди бари!..
Ҳамон хаёлида саҳро...тун...қўрқинч...
Ҳамон юрагини тирнарди бир ҳис –
Кекса отасидай эзгулик, соғинч,
Наздида бугундан эртаси қалтис...

Юсуп

Сарой ортида ким солади шовқин?

Ясовул

Келгиндишлар... икки саҳройи...

Юсуп

Айт, кирсин, майли!

Биринчи саҳройи

Раҳмингиз келсин, шафқат қилинг...

Ҳар икки саҳройи омбор ёнига

Шошиб

етиб келди,

қўлларида қоп...

Эт бориб ёпишган устухонига,

Эшаклари эса ўзидан хароб...

Сочу соқол беҳад ўssa ҳам, ҳатто,

Юсуф таний олди, қилмади хато!

Ю с у ф

Қаердан бўласиз?

Б и р и н ч и с а ҳ р о и и

Тошлоқ чўлданмиз.
Тақсирим...

И к к и н ч и с а ҳ р о и и

Узокдан...

Ю с у ф

Кўриб турибман,
Нонсиз қолдингизми?

Б и р и н ч и с а ҳ р о и и

Кўпдан...
Тақсирим...
Чоллар оч, аёллар, гўдаклар ҳам оч...

Ю с у ф

Узоқ йўлга чиқмас нон излаб ҳеч ким,
Айниқса бефарзанд...
оға-инисиз?

Б и р и н ч и с а ҳ р о и и

Ҳа, тақсир!

Ю с у ф

Отадан нечта эдингиз?

Б и р и н ч и с а ҳ р о и и

Уч эдик... биримиз...

Ю с у ф

Анча бўлдими, йўқолганига?

Иккинчи саҳройи

Каромат қилдингиз, шундай,
тақсирим,
Бундан йигирма йил бурун...

Ю с у ф

Ҳа! Демак —

Уни унутмоқقا ҳақлисиз, балки,
Йигирма йил, ахир, оз муддат эмас!
Йоз-кўзи... эсланг-чи... айни тонготар...
Қон билан бўялган кўйлак ... тошу ҳас...
Чукур... сувсиз қудук... бўғилган бўғзи...
Гўрда ётгандан ҳам, балки, баттарроқ...
Оёқ-кўл боғланган, мисоли қўзи...
Балки, ташлагансиз тириклай кўмиб!
Менинг нигоҳимга югуртинг назар:
Таниш кўринмасми?..

Биринчи оға

Ё раббим! Алҳазар!

Иккинчи оға

Нима гап ўзи?

Ю с у ф

Нима гап эмиш? Ўзингиз биласиз,
Юсуф йўқ, ҳа, ўлган, нетай! Бу сафар —
Мен унинг ўрнида яшаб юрибман.
Инингиз меросин олдингиз бўлиб,
Бойиб кетдингизми, кўриб турибман?..
Ҳа, қаранг, жиноятни эслатмасми, бу!..
Тош ўрни, сиз уриб қолдирган доғлар?

Биринчи саҳройи

Инижоним... Наҳотки, шундай?

Юсуф

Ҳа, шундай қуригади ҳасад ич-ичдан,
Дарди саратондан баттар бир иллат...
Сиз шу иллатга йўлиққанлардан!..

Биринчи саҳройи

Нима?

Юсуф

Ичдан чириб, ириб кетгансиз!

Иккинчи саҳройи

Ё тавба! Ё раббим!!!

Юсуф нигоҳини улардан узмас;
Титрарди қоп тутган қоқ оёқ-қўллар...
Очкўзлик киприкка ёпишган хор-хас,
Нурсиз кўринарди оқ-оидин йўллар...

Биринчи саҳройи

Инижоним, кечир!

Иккинчи саҳройи

Ҳа, кечир!

Юсуф

Майли, мен кечирдим, отам ҳурмати...
Тақдир кечирмас!
Ўч тошин отмайман, отмайман, асло,
Ўч олиш пасткашлиқ, номарднинг иши!
Фақат ёдингизда бўлсагина бас,
Ўша шумхотира, шу, сизга энг олий жазо!

Биринчи саҳройи

Кечир, Юсуф!..

Иккинчи саҳройи

Кечир!

Юсүф

Отамга дуо денг!

Олинг, сийлов, отам учун бу!..
Афсус-надоматми ё руҳий чарчоқ?
Зўр-базур жўнади икки оғаси...
Дуо, денг! — деди-ю, очилган дудоқ
Хали ёпилмасдан, ота сояси —
Хиёбон сўнгида Юсуф кўзига
Чалинди... англолмас,
бу, қанақа сир?

Юсүф

Ота!..

Ота

Сенмисан, жигарим?
Юсуфнинг юзига текканда қўли
Чолнинг ожиз кўзи ёришди бирдан...
Не баҳтки, отанинг бағрида ўғли!
Куч-кувват олгандай шербачча шердан...
Наҳотки, сифсайди кувонч кучоққа!
Софинч туйғулари бесабру тоқат...
Кема урилгандай ногоҳ қирғоққа
Юсуф чўчиб тушди,
қандай қабоҳат?!

Ота кўздан ғойиб, кетди қаёққа...

Меҳри

Маликамни кўрмадингизми?

Юсүф

Тинчлики? Кўрмадим...

Меҳри

Адаштириб қўйдим, шекилли...
Водариф!

Зулайұқ күринди телба-тескари,
Қўлида даста гул: сарық, қизил, оқ...
Хаёли паришон, рухи сарсари!..

Зурайхо

Кел... Юсуф, юзларимга бок!
Күзларимга бок!

ЮСУФ

Маликам, не бўлди сизга?

Зулейхо

Боқ десам ҳам боқмайсан,
хайронаман, ҳайрона,
Учиб, қанот қоқмайсан,
хайронаман, ҳайрона...
Фарид күнглилни овлаб
муҳаббат саҳросида,
Дарё бўлиб оқмайсан,
хайронаман, ҳайрона...

Юсүф

Зулайҳо

Кулманглар мен йиғласам,
Юсуф доғида куйдим,
Жаҳолатнинг ўт олган
янтоқ тоғида куйдим,
Ўз этимни ўзим еб,
дудли ёғида куйдим,
Ўлиб, ўлмадим, аммо,
ўлар чоғида куйдим,
Гулламай хазон бўлган —
умрим боғида куйдим.
Куйдим адовартнинг ўғли
амри фармонидан,
Ханжар тиёли маломатнинг
айёр забонидан,
Пажмурда ошиқ дилим
сайднинг камонидан,
Ўлиб, ўлмадим, аммо,
ўлар чоғида куйдим,
Гулламай хазон бўлган
кўнгил боғида куйдим.
Бош олиб кетдим, нетай,
мардлар ичра мардимни —
Ахтарганча, азизлар,
тарк этолмай шартимни,
Қасд қилгудай жонимга
бедард билмас дардимни,
Ўлиб, ўлмадим, аммо,
ўлар чоғида куйдим,
Гулламай хазон бўлган
севги боғида куйдим.

VI

Туш билан бошланган севги достони
Туш билан тугаса, таажжуб эмас!
Мен кўрган туш ошиқ қалбнинг түғёни,
Муҳаббат майидан гўё маст-аласт...

З у л а й ҳ о

Бир кўриб, адо бўлдим,
Кўйингда гадо бўлдим.
Бағрим қондир ишқингдан,
Ақлимдан жудо бўлдим.

Ю с у ф

Мен ҳам адоман, адо,
Сендай гадоман, гадо...
Қабоҳатнинг дастидан
Эсдан жудоман, жудо!

З у л а й ҳ о

Сендан ўтингчим, кечир!
Мехрингдан қултум ичир.
Дўзахдаман, дўзахда,
Дўзах оловин ўчир!..

Ю с у ф

Сен менинг дилдоримсан,
Севгимсан, қароримсан.
Дўзах эмас, жаннат бу,
Бахтимсан, баҳоримсан.

З у л а й ҳ о

Сени севдим, начора!
Овораман, овора...
Муҳаббат! О, муҳаббат!!!
Юрагим пора-пора.

Ю с у ф

Сен оймисан ё юлдуз?
Кўзи чарос, гулгун юз...
Адашмасам, кошкийди,
Тун эмас, тиниқ кундуз...

Зулайҳо

Гўзаллик шайдосиман,
Эркинлик гадосиман,
Бағрим қондир ишқингдан,
Муҳаббат нидосиман!

Юсуф

Ўнгимми-туш, қандай сир?
Кўзларим гўё басир...
Занжир экан муҳаббат,
Нетай! Асирман, асир...

Ҳамма нарса яна бошланди тушдан,
Айтса, адoқ бўлмас, ўша саргузашт...
Бир ён қасри олий мармардан, тошдан,
Бир ён чексиз сахро, бир ён дала-дашт...
Изоҳга ҳожат йўқ, не деса, туш-да!
Муҳаббат нуридан кўзларим тинди...
Зулайҳо париваш, Юсуф фаришта,
Кимнинг қармоғига кимдир илинди...
Гўрсухта Нофурни сўрамаёқ кўй!
Эҳтимол, фисқ-фужур билан ҳамон банд...
Нотинч ота руҳин яхшиликка жўй,
Ким мулкка ҳирс қўйса, ўша берар панд...
Жонингни азроил олса, майлига,
Илло! Жаброилга қолмасин кунинг...
Кошки, илтижоинг етса тангрига?
Минг афсус! Кўксингдан чиқар тутунинг!

Юсуф

Ё олло! Бу, не азоб,
мен йиғламай, ким йиғласин,
Кўрганим бўлди сароб,
мен йиғламай, ким йиғласин!
Пардаларга қўл урдим,
синаб баҳтимни, минг афсус,
Янграмай синди рубоб,
мен йиғламай, ким йиғласин!

Булбул фиғонидан ёнгуд... қафас,
Наҳотки, диёнат бўлмаса, огоҳ?!

Зулайҳо дардига ҳамдард, ҳамнафас
Юсуф ҳам эсидан озди-ку, ногоҳ!

Юсуп

Мұхаббат уйига ўт қўйиб, ҳайҳот,
Ўзи кул бўлдими унинг бағрида! Эй, Худо,
Бу, қандай даҳшат, қандай қабоҳат!!!
Ким кимни ёндириди?! Кимнинг қалбига
Ким ўт қўйди, нега, нега, индамайсан,
Сирли муҳаббат?!

Меҳри

Қандай бедодлик!.. Ҳой, одамлар!
Одамлар борми?!. Дод!!

VII

Қадим ривоят бу!

Минг йиллар бурун
Машоиқлар айтиб ўтган бўлса, бор...
Мен ҳам ошиқона тўқдим қалб қўрин,
Узун кечаларни ўтказиб бедор...
Балки, мўъжизадир кўзлардан йирок,
Асрлар аксининг, балки, безаги?..
Балки, адашганга ёқилган чароқ,
Балки, ҳақтўйликнинг туби, ўзаги...
Шарқона услубдан бошқа бир имкон
Топмадим, айниқса, қўл келди мажоз...
Сендан сир тутмайман,
азиз китобхон,
Ошиқ қалб дардидан бир варақ, холос!

ХОТИМА

Балки, бу нодонга жумбоқ ё эрмак?..
Донога имони фаҳм этмоқ керак!

1977—1999

Адабий-бадиий нашр

РАМЗ БОБОЖОН

ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО

ДРАМАТИК ДОСТОН

Муҳаррир *Маъсуда Йўлдошева*

Мусаввир *Темур Сайдуллаев*

Бадиий муҳаррир *Маркус Карпузас*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Кичик муҳаррир *Назми Фозилова*

Мусаҳдиқ *Феруза Тўйчиева*

Компьютерда тайёрловчи *Эля Ким*

ИБ № 3884

Босишга 18.07.2000 й. да руҳсат этилди. Бичими $84x108^{1/32}$. “Таймс”
гарнитура. Офсет босма. 7,14 шартли босма тобоқ. 6,7 нашр босма
тобоги. Жами 3000 нусха. 1121 раҳамли буюртма. 87-2000 раҳамли
шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Faafur Fuolom nomidagi Adabiyot va san'yat nashriyoti,
700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот
қўмитасининг 1-босмахонасида босилди,
700002. Тошкент. Сабон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.